

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**  
**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**  
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛТЕТИ**  
**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА ЮРИТИШ**  
**ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

**Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси**

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »  
факултет декани \_\_\_\_\_  
и.ф.н., доцент. Х.Комолов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016-йил

«Химояга рухсат этаман»  
кафедра мудири \_\_\_\_\_  
и.ф.н., доцент. О.Махмудов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016-йил

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг  
битирувчиси *Яқубов Муҳаммадзоирнинг*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида  
меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш**

БМИ раҳбари:  
Бажарувчи:

и.ф.н.доцент. О.Махмудов  
М.Яқубов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ  
КАФЕДРАСИ**

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**  
**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва**  
**бошқарув кафедрасининг мудири**  
**О.Шерматов \_\_\_\_\_**  
**«\_\_»\_\_\_\_\_2015 й.**

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг**  
**битирувчиси Яқубов Мухаммадзоирга битирув малакавий ишини**  
**бажариш учун**

TOPSHIRIQ

1. **Битирув малакавий ишининг мавзуси:** *Институт ректорининг 2015-йил 18- сентябрдаги № 240-Ст (А) буйруғи билан тасдиқланган.*
2. **БМИнинг мавзуси:** *Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш.*
3. **Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 16 » м а й 2016-йил.
4. **Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.**БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
5. **Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** *Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигини 2013-2015 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.*
6. **Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** *Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та*

жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

| <b>Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари</b>                                                              | <b>БМИни рахбари</b>        | <b>Бажарилиш муддати</b> | <b>Имзо</b> |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------|--------------------------|-------------|
| <i>Кириш</i>                                                                                                  | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Мехнатга ҳақ тўлашнинг назарий ва методологик асослари</i>                                                 | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Фермер хўжалигида мехнатга ҳақ тўлаш формалири ва шакллари.</i>                                            | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.</i>                     | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида мехнатни рағбатлантириш ва ҳақ тўлашни иқтисодий самарадорка таъсири.</i> | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнага ҳақ тўлашни такомиллаштириш омилари .</i>                         | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Хулоса ва таклифлар.</i>                                                                                   | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |
| <i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>                                                                              | <i>доцент</i><br>О.Махмудов |                          |             |

**Топшириқ берилган вақти:**  
йил

**БМИ рахбари:**  
О.Махмудов

**Битирувчи:**

**18-сентябр 2015-**

**и.ф.н.доцент**

**М.Якубов**

### ***М у н д а р и ж а***

| <b><i>№</i></b> | <b><i>Мазмуни</i></b>                                                                                          | <b><i>Бетлар</i></b> |
|-----------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|
|                 | <i>Кириш</i>                                                                                                   |                      |
| <i>1</i>        | <i>Мехнатга ҳақ тўлашнинг назарий ва методологик асослари.</i>                                                 |                      |
| <i>2</i>        | <i>Фермер хўжалигида мехнатга ҳақ тўлаш формалари ва шакллари.</i>                                             |                      |
| <i>3</i>        | <i>Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.</i>                      |                      |
| <i>4</i>        | <i>Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида мехнатни рағбатлантириш ва ҳақ тўлашни иқтисодий самарадоркка таъсири.</i> |                      |
| <i>5</i>        | <i>Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнага ҳақ тўлашни такомиллаштириш омилари .</i>                          |                      |
|                 | <i>Хулоса ва таклифлар.</i>                                                                                    |                      |
|                 | <i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>                                                                               |                      |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари обрўли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланаётганлиги алоҳида таъкидланди

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатбардошлиги орқали ифодаланади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек жаҳонда умумейтироф этилган ривожланишнинг “ўзбек модели”ни ҳамда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, 2011 йилда мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлилик таъминланганлигига эришилмоқда.

Мамлакатимизда ўтган йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Хозирги кунда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларни иқтисодий жихатдан бақувват қишлоқ хўжалик корхонасига айлантириш даркор. Бу соҳадаги ишлар қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошрилмоқда. 2012-йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012-йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини хом-ашё билан таъминлаш ҳамда мамлакат валюта тушумини кўпайтириш манбаи, кўплаб ёлланма ишчилар – меҳнат ресурслари учун даромад манбаи, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун потенциал бозор сифатида қишлоқ хўжалигининг ахамияти беқиёсдир. Республикада 2011 йилнинг охирига келиб 112340 минг киши иқтисодиётда банд бўлган. Уларнинг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларида яшаб, меҳнат қиладилар. Демак, жами аҳолининг 60,0 фоизи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Улардан 11451 минг нафари ёки 67,2 фоизи иқтисодий фаол, 96,9 фоизи ёки 11094 минг нафари республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларидир. Макроиқтисод доирасида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 27,2 фоизи қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан зиёд қисми қишлоқ ҳудудларида яшашини ҳисобга олсак, қишлоқ

хўжалигида иш билан банд аҳоли учун меҳнат шароитлари, иш хақи ва меҳнат унумдорлигини яхшилаш асосий масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим 7 та устувор вазифалари вазирлик, тизимдаги барча корхона, ташкилот ва муассалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилди, жумладан:

Амалдаги баҳоларда 19 трлн 633,6 млрд сўмлик (2010 йилга нисбатан ўсиш даражаси - 6,6%) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилгани ҳолда мамлакат Ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалигининг улуши 17,6 фоиздан иборат бўлмоқда.

Вазирлик тизимида қиёслама баҳоларда 91,9 млрд сўмлик (ўсиш даражаси ГЕСлар кўрсаткичисиз 21,1%) саноат маҳсулоти ва 8 млрд 910,5 млн сўмлик (10,9%) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди;

Тизимдаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда тайёрланаётган товарлар рақобатбардошлилигини мунтазам ошириб бориш, экспортни диверсификациялаш ва улар географиясини янада кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий-амалий ишлар олиб борилиши ҳисобига йиллик экспорт прогнози 107,9 фоизга уддаланиб, 2010 йилга нисбатан 32,7 фоизлик ўсишга эришилди;

Шунга мос ҳолда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 79,1% қисми нодавлат секторида меҳнат қилмоқдалар. Фермер хўжаликларида бевосита 1,9 млн кишидан зиёд меҳнат ресурслари ишламоқдалар.

Маълумки, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар тармоқда хусусий мулкдорлар бўлган фермер хўжаликларини ривожлантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини мақбуллаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Пахта экин майдонларини қисқариши, нисбатан кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият юритиши шароитида меҳнат унумдорлигини таъминлаш ва фермер хўжаликлари самарадорлигини ошириш зарурияти, бу масалани бозор талабларига мос ҳолда ҳал этилишини тақозо этади.

Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, ҳатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан яратиб берилган бозор ислоҳотларига ўтишнинг тамойиллари асосида қишлоқ хўжалиги ривожланишида туб бурилиш ясалди. Ислоҳотларнинг илк босқичида мамлакат қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш ва режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки асослари яратилди. Бунда устувор йўналиш қилиб шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш белгиланган эди. Натижада аҳолини озиқ-овқат



махсулотлари билан узлуксиз таъминлашда ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришилди.

Аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар тармоқда хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини мақбуллаштириш асосида уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, қайта ишлаш натижасида олинаётган бирламчи маҳсулот сифатини кескин ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш орқали меҳнат унумдорлигини ва демак иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган.

Жаҳон иқтисодий инқирози кечаётган ҳозирги даврда Ўзбекистонда фермер хўжаликларига ўз ривожи жараёнида эркин иқтисодий фаолият юритиш учун қулай имкониятлар яратилган. Шунга қарамасдан, фермер хўжаликларида пахта етиштириш бўйича энг паст самарадорликка ва меҳнат унумдорлигига эришилмоқда. Бунинг сабаби эса яратилган ялпи маҳсулотга нисбатан ишлаб чиқариш ҳаражатларининг юқори нисбатларда ўсиши ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим стратегик хом ашё бўлган пахтадан 300 дан ортиқ номдаги маҳсулотлар олинади. Пахта етиштириш бўйича деҳқонлар катта тажриба тўплаган. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги моддий техника ресурслари билан талаб даражасида таъминланмаганлиги ва жаҳон бозорларидаги конъюнктура самарадорликнинг ва меҳнат унумдорлигининг жуда паст бўлишини келтириб чиқармоқда. Демак бу ердаги энг асосий муаммо бир бирлик пахта етиштириш ҳаражатларини камайтириш ҳисобига ҳал этиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш йўллари аналга ошириш масаласи умумиқтисодий муаммо сифатида илмий изланувчилар ва амалиётчилар томонидан ўрганиб келинган. Бироқ, мазкур изланишларнинг аксарияти иқтисодиёт субъектларининг ҳукуқий–иқтисодий мустақиллиги таъминланмаган шароитда олиб борилган бўлиб, бу борадаги илмий ва амалий таклифларни

реал хўжалик юритиш шароитига материаллашуви учун етарли шарт-шароит бўлмаган ёки улар мавжуд сиёсий тизим характериға тўғри келмас эди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамиятини асослаш ва Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқлона фойдаланишни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларининг ўрганиш ва уларни қандай ишлатиш учун кўрилган чора ва тадбирларни амалга оширилиши .

2. Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида меҳнат ресурсларидан оқлона фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

3. Андижон туманидаги Окбой Асл фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқлона фойдаланишни самарадорлик омилларини таҳлил қилиб бу бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишида бирлдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омилларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр-мулоҳазалардан бундан

ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби асосланган. Асосий қисм 5 та саволдан иборат бўлиб, уларда ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи, меҳнат унумдорлигини оширишнинг илмий назарий асослари келтирилиб, Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигидаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда И.А.Каримов асарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган.

Битирув малакавий иши 70 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 11 та жадваллардан ва 3 та чизмадан фойдаланилди.

## **1 Мехнатга ҳақ тўлашнинг назарий ва методологик асослари .**

Иқтисодиёт фанида иш ҳақи категорияси иш берувчи ҳамда муайян ишни бажаришга қодир ишчи кучи эгаси бўлган ёлланма ходим ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифода этиши кўрсатилган. Чунончи, ишлаб чиқариш омиллари назариясига мувофиқ ҳар бир мулк эгаси иқтисодий ресурслардан фойдалангани учун фойда, рента ва фоииз шаклида манфаат кўради. Ёлланма мехнатга нисбатан бундай манфаат-иш ҳақидир.<sup>1</sup>

Яхши маълумки, иш ҳақига доир иқтисодий назариясининг классик, неоклассик ҳамда институтчианал йўналишлари мавжуд. Классик сиёсий иқтисодиёт вакиллари А.Смит, Д.Рикардо, Д.С.Мил ва бошқалари иш ҳақини иш фонди дирасида яшаш минимуми билан боғлиқ тарзида талқин эталдилар. Бунда яшаш минимуми дейилганда мехнат хизматининг “табiiй” баҳаси — одам ҳаёт кечириш учун зарур иш ҳақидаражаси англанади. Яъни иш ҳақи ишчи (унинг оиласи, фарзандлари бўлиши хисобига олинмаган ҳолда) кўриши керак бўлган энг кам манфаатни ифодалайди. Мазкур назарияда иш ҳақи фонди худди иш кучига талаб каби мавжуд иш кучи таклифига қарама- қарши қўйилади. Бу қараш тарафдорлари фикрига кўра, иш ҳақи меъёрсига ёлланган ишчиларга тўлашга мўлжалланган пулни улар сонига оддий бўлиш орқали аниқланиши керак. Яъни иш ҳақи миқдорини ошириш учун ёки ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ёки ёлланма ишчилар сонини кўпайтириш зарур бўлади.

ХИХ асрда “иш кучи товар қийматининг пулдаги ифодаси”, деб хисобланадиган концепция ҳам бор эди. Товар мехнат қилишга қодир бўлган иш кучи бўлиб, иш ҳақи мазкур товарнинг қийматининг пулда ифодаланган пенцияси хисобланган. Ходим бугун мехнати учун эмас, балки зарур мехнат учун иш ҳақи олади. Иш ҳақининг иқтисодий табиати ушбу даражада хисобига иш кучи такрор ҳосил қилинишини таъминлайдиган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиради.

---

<sup>1</sup>. Одегов ЮГ, Руденко. Г.Г. Бобинова Л.С. Экономика турида Учебник –М “Альфа-пресс”, 2007-с548.

Иш хақининг меҳнат унумдорлиги билан боғлиқлиги масалаларини тадқиқ этган маржинал назария асосчилари –Ж.Б.Сей ва Ж.Б.Кларк ишлаб чиқаришнинг асосий омилларига пул ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида капитал ҳамда ер,тадбиркорлик қобилияти ва ёлланма ишчилар меҳнатини ажратиб кўрсатган. Уларнинг фикрича,бу асосий омилларнинг ҳар бири муайян унумдорлик белгиси бўлиб,даромадни шакллантиришга хизмат қилади. Бу даромаднинг бир қисми ишлаб чиқариш аниқ бир воситасининг эгасига тегишлидир.

Маржиналистлар ишлаб чиқариш омиллари мувозанат ҳолатига келганидан кейин уларнинг ҳар бирига энг юксак унумдорлигига қараб ҳақ тўланади,деб ҳисоблашган. Бунда энг юксак меҳнат унумдорлиги меҳнатидан фойдаланиш фойда келтираётган ходимнинг вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулоти ҳажмига қараб белгиланган. Шу сабабли,улар фикрича иш ҳақи энг юксак меҳнат унумдорлигига тенгдир.

XX аср 40йилларида кейинсча тизим ғоялари тарқала бошлаган. Ж.Кейнс,хмда унинг тарафдорлари Х.Хенсен,,П.Самуелсон ва бошқалар ўз тадқиқотлари марказига пул ва нарх наво ўрнига даромад ва бандликни кўйганлар.

Ж.Кенс иш ҳақи эгилувчан (камайиш томонига ) эмаслиги тўғрисидаги фикрини ишсизлар иш ҳақи камайтирилса,меҳнат қилиш истагида бўлмасликлари,аммо нарх-наво кўтарилиши оқибатида камроқ реал иш ҳақи олсалар ҳам ишлаверишлари мисоли билан асослайди.<sup>1</sup>

XXаср иккинчи яримида иқтисодиётда янги –монетаризм йўналиши вақллари М.Фридман,У.А.Филлипс ,Ф.А,Хайк ва бошқалар кейнсчилардан фарқли равишда даромадлар мултипликаторлари эмас,балки пул массаси иқтисодиётини самарадорлик тартибга солувчи омил,деб ҳисоблаган.Меҳнат жихатидан монетаризм ҳам бозор иқтисодиётининг классик назарияси каби эреин бозор ўзини-ўзи тартибга солувчи,автомат тарзда юксак иқтисодий барқарорликни таъминловчи тизим,деган қарашга асосланади.Бу ғояга

---

<sup>1</sup> ДЖ.Кейнс Общая теория занятости ,процента и денг.-М: “Экономика”,1993-С52-60

кўра,енг мухими-пулга талабни оширишдр. Бу талаб эса,ўз навбатида,бошқа дараомадларга нисбатан пул даромади орқали белгиланади.

Монетаризмда “ишсизликнинг табиий меъёраси” концепцияси марказий ўрин эгалайди. Бунда ихтиёрий ишсизлик шу даражада бўлиши керакки,бу меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини ҳосил қилиб,реал иш ҳақи бозорлардаги мувозанатга мувофиқ бўлиши лозим. Хусусан,М.Фридман фикрига кўра,бозорлардаги талабнинг кенгайиши таварлар нархини ҳам,иш ҳақи даражасини ҳам оширади.Аммо бу ўзгаришларига таварлар нархини ортишига иш ҳақи кўпайишига нисбатан тезроқ таъсир кўрсатади. Нарх-наво меҳнатга ҳақ тўлашга кўра тезроқ қимматлашишиниреал иш ҳақи миқдорини камайтиради. Бу иш берувчини ходимлар сонини кўпайтиришга мажбур қилади. Иш кучига талаб кўтарилиши ўз самарасини беради,чунки ходимлар барқарорлашини кутадилар ҳамда иш ҳақи миқдори кўпайишга реал иш ҳақи ортиши сифатида қарайдилар.<sup>1</sup>

Замонавий иқтисодиёт фанида иш ҳақи моҳияти бўйича жуда кўп,турли таърифлар мавжуд бўлса-да,улар асосин тўрт маънонианглатади.

\*иш ҳақи –бумехат қиймати;

\*иш ҳақи –буиш кучи қиймати;

\*иш ҳақи –бумехнат баҳоси;

\*иш ҳақи –бу иш кучи баҳоси.

Ўнги йилларда иш ҳақиға меҳнат субъекти ривожланиши нуқтаий назарида ёндашувни ҳам кузатиш мумкин.Хусусан,Б.М,Генкин иш ҳақиға иш кучининг сифат жихатидан янги хусусиятлари-меҳнат салоҳити ва инсон капитали билан боғлиқ тарзда ифодалайди: “Иш ҳақи ёки умуман олганда корхона ходимлари даромадлари муайян шароитларга кшра икки: инсон капитали учун фоиз ҳамда меҳнат салоҳияти ижроси учун ҳам сифатида бўлиши мумкин”.<sup>2</sup> Аммо мазкур таърифға фоиз ва рента –ёлланма ходимнинг иш ҳақи эмас,балки ишлаб чиқариш омиллар эгалари манфаат кўришининг

<sup>1</sup> Фридман М.Метадология плитической эканомикой науки.Т.2.-М: “Эканомика ”1994-С54-55

<sup>2</sup> Генкин Б,М,Организация,нормарирование турида на промишленнных предприятиях:учебник 63-е издание-ММеъёр ,2007.-245.С

бошқа шакллари,деган изох талаб этилади. Иш хақи иқтисодий моҳиятига доир замонавий таърифлар.

**“Назарий жihatдан иш хақини меҳнат ёки иш кучи баҳоси,деб аташ тўғрирокдир”.** (манба: Волгин Н.А,Оплата турида:призводства,социальная сфера,гасударственная служба.Анализ,проблемы решения,-М.Екзамен 2003.-с198)

**“Бозор иқтисодиёти шароитларида иш хақи умумий тарзда –меҳнат учун тўланадиган ҳақ,унинг миқдори эса-меҳнат баҳосидир”.**(Роффе А.И.Туруд:теория,экономика,организация.Учебник.-М.: “МИК”.2005.-с484.)

**“Бозор иқтисодиётида иш хақи –бу меҳнатдан фойдаланганлик учун тўланган ҳақ унинг негизда меҳнат баҳоси туради”**(Жуков А.Л.Регулирование и организация оплаты труда:Учебное пособие.-М.: “МИК”.2003.-с11)

**“Иш хақи моҳияти бўйича иш кучи баҳосидир”.**(Егоршин А.П.Мотивация трудовой деятельности:Учебное пособие .Нижний Новгород.НИМБ.2003.-с114.) **“Иш хақи бозор иқтисодиёти категорияси сифатида иш кучи баҳоси (қиймати)дир”.**(Политика доходов в заработной платы:Учебник Под ред .Савченкао П.В,Кокина Ю,П,-М: “Экономист”.2004с.122

**“Иш хақи иш кучининг ўз қиймати,баҳосига айлантирилган шаклидир”.** (Федченко А,А,Доходы работников:сушност и регулирование:-\*Воронеж.ВГУ.2001.-с.180.

**“Иш хақи категория сифатида иш кучининг товар хусусияти бўлган муносабатларни,яъни ходим томонидан меҳнат бозорида ўз иш кучини (ёки меҳнатга лаёқатини) сотишни акс эттиради.”** (Современная экономика труда Под ред Куликова В.В.-М:Финстатнифарм.2001.-с246. )

**“Иш хақи меҳнатнинг баҳосига айлантирилган шаклидир”.**(Еканомика труда Пол ред .Винокурова М.А,Горлева Н.А.-СПБ.Питер 2004.-с277.)

**“Меҳнат товарга,иш хақи эса иш кучи қийматининг шаклига айланади”.**(Ракоти В.Д.Заробатная плата и предпринимательский доход.-М:Финансы и статистика .2001.-с3.)

**“Иш ҳақининг моҳияти иш кучининг меҳнат бозоридаги баҳосидир”**(Кибанов А.Я,Управление персоналом организация,-М: “ИФРА-М”,1998.с369)

**“Замонавий иқтисодиёт фанида иш ҳақи деб ёлланма ходим меҳнатидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ тушунилади”** (Нуреев Р.М,Курс микроэкономики :Учебник .2-е издание .-М: “Меъёр” .2006.с.280.)

Бизнинг фикримизча,ҳақли равишда юқоридаги таърифларнинг кўпчилиги иқтисодиётнинг экстенсив ривожланишини аксеттиради,деб кўрсатдик.Бизнинг ҳисоблашимизча,иш ҳақини бутада талқин этишда камида тўрта нуқсон кўга ташланади:

- 1.Мазкур иқтисодий категориянинг асосий хусусияти сифатида фақат иш ҳақи манбалари келтирилади,аммо унинг чуқурмоҳияти тилга олинмайди.
- 2.Иш ҳақига доир таърифларида иш ҳақи манбалари (ялпи ижтимоий маҳсулот,миллий даромад,ва бошқалар) келтирилмаган.
- 3.Таърифлардан англанишича,иш ҳақи гўё меҳнат миқдори ва сифатига кўра тақсимланади.Аслида эса иш ҳақи миқдори кўп жихатидан ходимнинг ҳақиқий меҳнат улуши ҳамда корхона хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига боғлиқдир.
- 4.Ходимнинг бозор иқтисодиёти шароитларида мулк эгаси бўлиши ёки мулкка шериклиги ҳисобга олилмаган.

Биз юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фуйидагича таъриф келтиримаз.

“Иш ҳақи –бу иш кучи қиймати сифатида ишчилар ўртасида сарифланган меҳнат миқдори ва сифатига қўшилган ҳиссасига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда корхона фаолияти пировад натижалари (фойда)нинг асосий қисмидир ”<sup>1</sup>,деган хулоса чиқардик.Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳам иш ҳақига ўз таърифини берган. ХМТнинг 1949йиллиги “Иш ҳақини муҳофаза қилиш тўғрисида ”ги 95-конвенсиясида: “Иш ҳақи атамаси,номланишин ва ҳисоблаб чиқиш усулидан қатъий назар,пул шаклидаги ҳамда битим ёки миллий қонунчилик томонидан белгиланадиган ҳар қандай рағбатлантириш

---

<sup>1</sup> Абдурахмонов К,Х,Меҳнат иқтисодиёти дарслик .-Т: “Меҳнат”2012.-Б.188-189.



ёки ҳар қандай иш ҳақи бўлиб, уни тадбиркор бажарилган ёки бажарилиши керак бўлган меҳнат, ёки кўрсатилган ёхуд кўрсатилиши керак бўлган хизматлар учун тўлайди”<sup>1</sup>, деб кўрсатилган.

Иқтисод фанлари доктори Н.Қ. Зокирова: “Номинал иш ҳақи –ҳодимлар ўз меҳнатларига унинг миқдори ва сифатига фараб олинадиган пул маблағларидир”<sup>2</sup>, деб ҳисоблайди.

Иш ҳақининг қоми

Усий таърифи ҳам мавжуд, яъни: “Иш ҳақи –меҳнатга пул шаклида тўланадиган ҳақ; қийматнинг ўзгарган шакли, иш кучи (тақдим этилаган меҳнат хизматининг) баҳоси”<sup>3</sup>.

Иш ҳақи ижтимоий-иқтисодий функцияларга эгадир. Улар қуйидагилардан иборатдир.

1. Тақсимловчи функцияси. У ходимнинг янгитан ҳосил қилинган маҳсулотдаги улушини белгилашга хизмат қилади. Мазкур функцияда истеъмол жамғармасининг ёлланма ходимлари ва ишлаб чиқарувчи воситалар эгалари ўрасида тақсимланиши ўз ифодасини топади.

**2. Такрор ишлаб чиқариш функцияси.** У ходимларни, шунингдек уларнинг оила аъзоларини иш кучини такрор ишлаб чиқариш учун, авлодларни қайта кўпайтириш учун зарур бўладиган ҳаётий неъматлар билан таъминлашда иборат. Унда эҳтиёжларнинг ортиб боришидан иборат иқтисодий қонун ўз ифодасини топади. Мазкур функция иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари, иш ҳақининг иш кучини такрор ишлаб чиқаришни таъмин этадиган миқдорини қонуний даражада белгилаш билан узвий боғлиқдир.

**3. Рағбатлантириш функцияси.** Унинг моҳияти ходимнинг иш ҳақи унинг қўшган меҳнат ҳиссасига, корхонанинг ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлигини белгилашдан иборат

---

<sup>1</sup> Инсон ҳуquуylари бшйича .

<sup>2</sup> Зокирова Н.Қ. Социально-трудовые отношения: международной и национальный аспекты. -Т: “Фан” 2008. с125.

<sup>33</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4том .Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002. -Б.308

бўлиб, бунда ходимни ўз меҳнати натижаларини доимий равишда яхшилаб боришга қизиқтириши лозим.

**4. Ўлчов-тақсимлаш функцияси.** Бу функция истеъмол фондларини ёлланма ходим билан ишлаб чиқариш воситалари эгаси ўртасида тақсимлаш вақтида жонли меҳнат ўлчовини акс эттириш учун мўлжалланган. Иш ҳақи воситасида ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир иштирокчисининг меҳнат ҳиссасига мувофиқ унинг истеъмол фондидаги алоҳида улуши аниқланади.

**5. Жойлаштириш функцияси.** Мазкур функциянинг ҳозирги вақтдаги аҳамияти жиддий равишда ошиб бормоқда. Унинг моҳияти меҳнат ресурсларини минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар бўйича қулай равишда жойлаштиришдан иборатдир.

**6. Аҳолининг тўловга қобил талабини шакллантириш функцияси.** Бу функциянинг вазифаси тўловга қобилиятли талабни мувофиқлаштиришдир. Бундай талаб деганда харидорларнинг пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли тушунилади, шунингдек истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳам назарда тутилади. Тўловга қобилиятли талаб иккита асосий омил - жамиятнинг эҳтиёжлари ва даромадлари таъсирида шаклланиши сабабли, бозор шароитида иш ҳақи ёрдамида товарни таклиф қилиш билан талаб ўртасида зарур муносиблик ўрнатилади.

Юқорида айтиб ўтилган функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги энг муҳим тамойилларга риоя қилиниши зарур:

**1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги ортиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши.** Бу тамойил эҳтиёжларнинг ортиши объектив иқтисодий қонуннинг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ эҳтиёжларнинг янада тўлароқ қондирилиши фақат ўз меҳнати учун кўпроқ миқдорда моддий неъматлар ва хизматларга эга

бўлиш имкониятлари кенгайган шароитдагина реал бўлади. Бироқ бундай имконият ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан, меҳнат самарадорлиги билан боғланиши лозим. Бундай боғланишнинг йўқлиги эса, бир томондан, ишлаб топилмаган пулнинг берилишига, демак, инфляцияга, олинган номинал иш ҳақининг таъмин этилишига ва реал иш ҳақининг пасайишига олиб келиши мумкин, иккинчи томондан эса, пасайтирилган, меҳнат ҳиссасининг самарадорлигига мос келмайдиган номинал иш ҳақининг тўланишига олиб келиши мумкин. Натижада ходимларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш имконияти ва иш ҳақининг кўпайиш имконияти мавжуд бўлмайди.

**2. Меҳнат унумдорлиги ўсишининг ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгариларчи суръатларини таъминлаш.** Бу тамойилнинг моҳияти - ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал даражага етказишдан иборат. Бу тамойилга риоя қилиниши жамғариш жараёнининг, кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тақозо этади ва корхонанинг ривожланиши ҳамда раванқ топишининг зарур шarti ҳисобланади.

**3. Ходимнинг меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш.** Мазкур тамойил ходимнинг ўз меҳнат малакасидан, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш зарурлигига асосланган. Бунда иш кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий неъматлар миқдоридаги, меҳнатнинг турли шароитларидаги, жўғрофий ва иқлим шароитларидаги тафовутлар ҳисобга олиниши лозим.

**4. Тенг меҳнатга тенг иш ҳақи.** Бозор шароитида бу тамойилни ишловчининг жинси, ёши, миллий мансублиги ва ҳоказоларга қараб унинг меҳнатига ҳақ тўлашда камситишга йўл қўймасликдир.

**5. Меҳнат ҳақ тўлашни давлат томонидан тартибга солиш.**

**6. Меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш.** Меҳнат бозори - бу шундай бир соҳаки, у ерда пировард натижада меҳнатнинг ҳар хил турлари баҳо бериш таркиб топади. Ҳар бир ходимнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи унинг меҳнат бозоридаги мавқеи билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, мазкур бозордаги вазият, бундан ташқари, бандлик имкониятини ҳам белгилаб беради.

**7. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантиқийлиги ва қулайлиги** меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг моҳияти ҳақида кенг хабардор бўлишни таъминлайди. Ходимда иш ҳақи ҳақида тушунарли ва батафсил ахборот мавжуд бўлгандагина у жон-дили билан берилиб меҳнат қилади. Ходимлар қандай ҳолатда иш ҳақининг миқдори яъни ўз моддий фаровонликлари даражаси ошишини аниқ тасаввур қилишлари лозим.

Иш ҳақини ташкил этиш тамойилларини уларни амалга оширишга қаратилган функцияларга мувофиқ таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тамойил фақат битта функция билан эмас, балки бир қанча функциялар билан боғланган. Шундай бўлса ҳам, асосий функцияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳар бир тамойил биринчи навбатда ана шу функцияни бажаришга қаратилади.

## **2. Фермер хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш формалири ва шакллари.**

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир», деб тушунча берилган. Ҳозирги даврда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик тадбиркорлик вакили ҳисобланади. Чунки 2012 йилнинг охирига битта фермер хўжалигида ўртача 15 та ёлланма ишчилар сони тўғри келган. Жамиятнинг ривожланиш даражаси кўп ҳолларда мамлакатда мавжуд аҳолининг сонини иш билан бандлик даражасига ҳамда уларда банд бўлган ишчи ва хизматчиларни олаётган иш ҳақига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек жаҳонда умумий эътибор этилган ривожланишнинг «ўзбек модели»ни ҳамда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, 2012 йилда мамлакат иқтисодиётини ўстиришнинг юқори суръатлари барқарорлиги ва макроиқтисодий мувозанатлилик таъминланганлигига эришилмоқда.

Фермер хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўлларида бири бу ишлаб чиқаришни жадал усулда ривожлантиришдир.

Республикада фермерликни ривожлантиришнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий моҳияти қуйидагиларга қаратилган.;


- қишлоқда турли турдаги мулк шакллари ва уларга эгалик қилиш, фойдаланувчи корхоналарни ташкил этиш, юритиш ва ривожлантириш;

- тармоқдаги барча мулк муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш, модернизациялаштириш ҳамда эркинлаштириш;

- хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларининг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий шароитларни яратиш;
- қишлоқдаги мулкдорлар синфининг мулкӣ онгини барқарор юксалтириш;
- қишлоқ хўжалигида янги иш жойларини барпо этиш, тармоқдаги аҳолини иш билан бандлигини юксалтириб, ишсизлар сонини камайтириш;
- аҳолининг ва қайта ишлаш саноати корхоналарини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни юксалтириш;
- аҳолининг даромадини кўтариш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва бошқалар. Фермер хўжалигида иш ҳақи тўлаш тизимлари ва шакллари таснифи.

**Мехнатга ҳақ тўлаш тизимлари** - бу меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт- шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

Мехнатга ҳақ тулаш ишбай ва вақтбай тизимларидан иборатдир



1-расм

**Иш ҳақининг ишбай тизими** вақтг бирлиги ҳисобида бажарилган иш миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатга ҳақ; тулашга асосланган. Меҳнатга ҳақ тулашнинг ишбай усулини куллаш учун:

- меҳнатни меъёрлаш;
- меҳнат сарфини ҳисобга олиш;
- меҳнат натижасини ҳисобга олиш;

-мехнат унумдорлигини аниклаш талаб этилади.

### ***Мехнатга ҳақ тулашнинг шакллари***

Уларнинг ҳар бири **уз** хусусиятлари, афзаллик ва камчиликларига эга.<sup>1</sup>

Иш ҳакининг ишбай усулини:

-бевосита ишбай;

-ишбай-мукофотли;

-ишбай-прогрессив;

-билвосита ишбай;

-аккорд;

-аккорд-мукофотли шакллари тарзида ташкил этиш мумкин. Бевосита ишбай шаклида иш ҳақи амалда бажарилган иш(курсатилган хизмат)га белгилаб қўйилган меъёрларга мувофиқ; ишлаб чиқилади:

Ии = Би (Кх) х Им;

бунда: Ии - ишбай иш ҳақи;

Би (Кх)- бажарилган иш (курсатилган хизмат);

Им — ишбай меъёри.

ҳўжалик юритувчи субъектларда мехнатга ҳақ тулашнинг ишбай ***укофотли шакли*** энг қўп қўлланилади. Иш ҳакининг бу шакли бевосита ишбай иш ҳақи бажарилган иш (курсатилган сифати, тезкорлиги, миқдорлар томонидан шикоятлар йўлиги ва ҳоказоларга мукофот туланишини назарда тутди.

Мехнатга ҳақ тулашнинг ***ишбай-прогрессив шаклида*** иш ҳақи белгилаб қўйилган меъёрлар қанча қўп ошириб бажарилса, иш ҳақи шу миқдорда прогрессив ошиб боради.

Мехнатга ҳақ тулашнинг ***билвосита ишбай шакли***, одатда, ёрдамчи ишларни бажарувчи ходимлар — сувчи, чопиқчи, чеканкачи, ва бошқалар

Бунда асосий ишлаб чиқариш ходимлари иш фондининг муайян қисми бу ёрдамчи ходимларга ажратилади.

---

<sup>1</sup> Ро.А.И. Экономика и социология труда: Учебник. -М.:КНОРУС, 2010.-С.349. фе  
200

Иш хакининг **аккорд шакли** асосан курилишларда кулланилади. Шу билан бирга фермер хўжаликларда эрта баҳор чопиқ даврида ҳамда пахта оичлан даврда вақти- вақти билан қўлланиб туради.

Бунда бажариладиган иш хажми учун аниқ иш хаки миқдори (белгилаб қўйилади). Иш хакининг аккордли-мукофотли шаклидан белгиланган иш хажмини сифатли, муддатидан илгари бажарганлик учун мукофотлаш кузда тутилади.

Мехнатга **вақтбай иш хақи тизими**, одатда, ходим меҳнати иш натижаларини меъёрлаш ёки бажарилаётган иш миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконияти бўлмаган ҳолларда кулланилади. Бунда ходим иш хақи у амалда ишлаган вақт бўйича тариф ставкасига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Иш хакининг вақтбай тизими **соатбай, кунбай, ойбай** шаклида бўлиши мумкин. Ривожланган хорижий мамлакатларда ходимларга соатбай иш хақи тулаш кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикасида асосан вақтбай иш хақи тизимининг ойбай шакли кулланилади.

Иш хакининг **вақтбай-мукофотли шакли** ҳодимларга хўжаликни низоми, жамоа шартномалари ёки иш берувчи ташаббуси билан меҳнат фаолиятидаги юқори миқдор ва сифат курсаткичлари учун мукофотлар берилади.

### ***Тариф тизими ва унинг асосий унсурлари***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги "**Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**"ги Фармонида мувофиқ, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш хақи - ойига **72355 сум** этиб белгиланди.

**Шу муносабат билан эслатиб утамиз,** Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "***Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий курсаткичлари прогноза ва Давлат***



**бюджети параметрлари тугрисида”** ги Шу-1675-сошш карорига мувофик;,  
2012 йилнинг 1 январидан бошлаб республиканинг барча ташкилотларида иш  
Хаки микдори меҳнатга ҳақ тулашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи  
разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланган.

Меҳнатга ҳақ тулашнинг ягона тариф сеткаси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сонли қарори билан  
тасдиқланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақининг тариф, тарифеиз ва компенсация  
моделлари мавжуд (7.7-расм).

#### **7.7-расм. Иш ҳақининг моделлари ва тизимлари**

Иш ҳақи ташкил этишнинг **тариф модели** қуйидагиларга асосланган:

**а) меҳнатни техник меъёрлаш.** Бу муайян ишни бажаришга (хизмат  
курсатиш) меҳнат сарфини объектив баҳолаш учун техник жихатдан  
асосланган меҳнат (вақт, ишлаб чиқариш, хизмат курсатиш, ходимлар сони)  
меъёрлари ўрнатиш жараёни бўлиб, иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда  
қўлланилади;

**б) тариф тизими.** Бу турли тоифадаги ходимлар томонидан бажарилган  
иш (курсатилган хизмат)да объектив мавжуд бўлган фарқларни микдор  
жихатидан белгилаш учун қўлланиладиган  
мг и, (ъпи мумп жамланмасидир.

И тариф тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

7.1- тариф сеткаси;

7.2- тариф ставкалари (мансаб маошлари);

■ тариф коэффициентлари;

7.3- тариф-малака маълумотлари.

**Тариф сеткаси** меҳнат мураккаблигига қараб иш ҳақи микдорини  
дифференциялаш воситасидир. Унда ходимлар турли шифаларига тариф  
коэффициентларига мувофик иш ҳақлари мисбати акс этади. Ходимлар барча  
тоифалари учун ягона бўлган ммда ишчилар учун алоҳида разрядлар  
белгиланган тариф ■ И қалари мавжуд. Ўзбекистон Республикасида 0 дан 22  
гача И илряди бўлган ягона тариф сеткаси қабул қилинган (7.3-жадвал):

#### **7.3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида меҳнатга ҳақ тулашнинг ягона  
тариф сеткаси<sup>1</sup>**

| Меҳнатга ҳақ<br>тулаш разрядлари | Тариф<br>коэффициентла<br>ри | Меҳнатга<br>ҳақ<br>тулаш<br>разрядлари | Тариф<br>коэффициентлари |
|----------------------------------|------------------------------|----------------------------------------|--------------------------|
| 0                                | 1,000                        | 12                                     | 6,115                    |
| 1                                | 2,476                        | 13                                     | 6,503                    |
| 2                                | 2,725                        | 14                                     | 6,893                    |
| 3                                | 2,998                        | 15                                     | 7,292                    |

|    |       |    |        |
|----|-------|----|--------|
| 4  | 3,297 | 16 | 7,697  |
| 5  | 3,612 | 17 | 8,106  |
| 6  | 3,941 | 18 | 8,522  |
| 7  | 4,284 | 19 | 8,943  |
| 8  | 4,640 | 20 | 9,371  |
| 9  | 4,997 | 21 | 9,804  |
| 10 | 5,362 | 22 | 10,240 |
| 11 | 5,733 |    |        |

<sup>1</sup> Упбскистон Республикаси Вазирлар Махдамасишшг 2009 йил 21 июлдаги 206-сонли Карори х,амда шу Кпрорикиг “Мехдатга хдк; ту<sup>лашнинг</sup> ягона тариф сеткасини янада такомиллапггириш тугрисида”ги мрорига ^згартиришлар киритиш тугрисида”ги 2012 йил 11 январдаги 6-сонли Карори // хтп://www/.Lex.уз.

### Еслатма!

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги **"Иш хаки, пенсиялар. стипендиялар ва ижтимоий нафакалар микдорини ошириш тугрисида"**ги Фармонида мувофик, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистан Республикаси ҳудудида энг кам иш хаки - ойига **72355 сум** этиб белгиланди.

**Шу муносабат билан эслатиб утаимиз,** Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ***“Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий курсаткичлари прогноза ва Давлат бюджети параметрлари тугрисида”*** ги Шу-1675-сошш қарорига мувофик;,, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб республиканинг барча ташкилотларида иш Хаки микдори меҳнатга хдк тулашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳ;олда белгиланган.

Меҳнатга х;ак тулашнинг ягона тариф сеткаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махдамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сонли қарори билан тасдиқданган. Хусусан:

### Меҳнатга ҳа қ тулашнинг ягона тариф сеткаси

| Меҳнатга ҳақ; тулаш разрядлари | Тариф коэффициентлари |
|--------------------------------|-----------------------|
| 1                              | 2,476                 |

Шундай қилиб, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Республиканинг барча ташкилотларида энг кам иш хаки микдори  $72355 \times 2,476 = 179\,150,98$  сумдан кам бўлмаган ҳолда белгиланди.

Тариф сеткасидаги тариф коэффициентлари ҳар бир разряд бошқа разрядга нисбатан қанчалик катга ёки қичик эканлигини қурсатади.

**Тариф ставкаси** (мансаб маоши) ходимнинг вақт бирлигида муайян мураккаблик(малака)даги меҳнат меъёрс(хизмат вазифаси)ни бажарганлиги учун қатъий белгилаб қ;уйиладиган иш хаки мивдоридир. Биринчи разряд тариф ставкаси энг осон (енг паст малакали) меҳратга туланадиган энг кам иш хаки микдори ҳисобланади.

Ҳ,ар қндай разрядли ходимнинг тариф ставкаси (мансаб маоши) қуйидагича атиқланади:

$ТС_n (ММ_n) = ТСИ (ММ_1) \times ТК_n$ ;

бунда: ТСн (ММп) - н-разрядли ходимнинг тариф ставкаси (мансаб маоши);  
ТСИ (ММ1) - 1-разрядли ходимнинг тариф ставкаси (мансаб маоши);  
ТКп - п-разрядга кулланиладиган тариф коэффициента.

Тариф-малака маълумотлари одатда ходимга куйиладиган талаблар, ишлаб чикдриш хусусиятлари, янги иш турларига тариф белгилаш тартиби, мазкур маълумотга кушимча ва узгартиришлар киритиш тартиби акс этган умумий кием ҳамда малака тавсифи ва касбларнинг алифбо курсаткичларидан иборат булади.

Маълумотнинг малака тавсифида муайян разряддаги ишчи бажариши керак булган вазифалар курсатилган “Ишлар тавсифи”, мазкур вазифаларни бажариш учун ишчи эгаллаши керак булган билим ва куникмалар баён этилган “Билиши керак” ҳамда ишлаб чикаришнинг муайян сохаси учун намунавий хисобланган касб ва разрядлар буйича ишлар руйхати акс этган “Ишлар намуналари” булимларидан иборатдир. Маълумотда, шунингдек касбларнинг алифбо курсаткичлари ҳам мавжуддир.

Иш хаки ни ташкил этишнинг *тарифсиз модели* тариф ставкалари (мансаб маошлари)га асосланган. Бу модел асосан икки таксимлаш ва эгилувчан тизимлардан иборат.

Иш хаки тарифсиз моделининг *таъсирлаш тизими* меҳнатга \пк тулаш фондини жамоа иш натижаларига караб шакллантириш на уни ходимлар уртасида хар бир ходим амалдаги малака даражаси коэффициента буйича тадсимлашга асосланган.

Мазкур тизимда хар бир ходимнинг иш хаки микдори унинг (>утун жамоа меҳнатига хак тулаш фондидаги улушига боглик Пулади:

$K_x + I_{X, \Phi}$

$I_{Dx} =$  ;

$K_y$

унда :  $I_{X, x}$  - ходимнинг иш хаки микдори;

$K_x$  - ходим иш хдкининг энг кам иш хакига нисбатини курсатувчи коэффициент;

$K_y$  - хужалик юритувчи субъектда иш хаки микдори нисбати уртача коэффициента.

$I_{X, \Phi}$  - иш хаки фонди.

Тарифсиз модел таксимлаш тизимидан кулланиш учун куйидагилар талаб этилади:

7.4- жамоа аъзолари пировард иш натижалари учун тула масъуллиги;

7.5- ходимлар малака даражасини объектив баҳолаш имконияти мавжудлиги;

7.6- меҳнат конунчилиги ҳамда ёлланма ходимлар ва иш берувчилар вакиллари уртасидаги битамга биноан энг кам иш хаки микдори кафолатганлиги.

Ходимларнинг малака даражалари мазкур тизим амалиётга жорий этилиши пайтида амалда таркиб топган иш хаки микдори нисбатидан келиб чиккан холда аникланади:

Кх

ИХу = ;

ИХдпп

Бунда: ИХу - уртача иш хаки микдори;

ИХдпп - шу даврда ходимнинг энг кам иш хаки

Микдори.

Тариф моделининг эгилувчан тизими икки гуруҳга булинадиган коэффициентлар тизимига асосланади:

- Бу гуруҳга ходимнинг иш стажи, малакаси, касбий маҳорати, корхона учун аҳамиятлиги хусусиятлари ҳисобга олинadиган коэффициентлар киради. Иш хаки микдори асосий қисми - 60,0- 70,0 % мазкур гуруҳ малака коэффициентиға тугри келади.

- Бу гуруҳға ходимнинг меҳнат унумдорлиги ҳамда унинг олдида турган вазифаларни ҳал этиши даражаси коэффициентлари киради. Иш хаки микдорининг тегишли равишда 30,0-40,0 % ушбу гуруҳ улушиға тугри келади.

Иш хакини ташкил этишнинг **компенсация модели** персоналии мукофотлашни бошқаришға бугунги кун талаблари асосида ёндашиш заруратини ифода этади (7.8-расм). У ҳужалик юритувчи субъект персоналға тақдим этиши мумкин булган барча ташки мукофотлаш шаклларини қамраб олади.

И нмппц-ациялар персоналға таъсир курсатиши буйича бевосита .... (никни иш булади.

И.и Ҳоит га компенсациялар асосий иш х,ақ;и, мукофотларнинг пицмя турлари, бир юла мукофотларнинг барча турлари, бир юла муофиглир, рағбатлантирувчи устамалардан иборатдир.

илиосита компенсацияларға ишлаб чи^арилган махсулот т В|н ашпган хизмат) хджми ёки ишланган вақт билан бевосита

7.7- нч лиц (>улмаган туловлар киради.

### **7.8-расм. Компенсация модели**

Ўзбекистан Республикаси Меҳнат кодексида ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини (сайлов ҳукукини амалға ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнатэкспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, хдрбий бурчни бажариш, ҳукук- тартибот органлари ҳамда жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакили сифатида ва х,оказо), иш берувчи ва меҳнатжамоаси манфаатларига дойр вазифаларни (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, тиббий куриқдан утиш ва х,оказо) вазифаларни бажариш, жамият манфаатларига дойр ҳаракатлар (авариялар, табиий офатлар оқибатларини тугатиш ва хоказолар) қилганда уларға компенсациялар белгиланган. Ходимларни давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек жамият манфаатларига дойр ҳаракатлар қилиши билан боғлиқ қафолатли туловларни пул билан таъминлаш манбалари ва бу туловларни

амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

Ходимнинг уз хизмат вазифаларини бажариши билан боглик кушимча харажатлар (хизмат сафари, юл кира харажатлари, доимий турар жойдан бошка жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боглик; иш берувчининг рухсати ёки розили билан кдпинган бошка харажатлар), ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун харажатлар мамлакат конун хужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан к;опланиши лозим<sup>1</sup>.

Компенсация моделидаги ижтимоий муҳофаза иш берувчи томонидан ходимга олинган фойда ҳисобидан мамлакат конунчилигида белгиланган кушимча тулов ва имтиёзларни кузда тутди. Кушимча тиббий ва пенсия сугурталари, умр сугуртаси, шунингдек, ходимларнинг транспорт харажатлари, овкатла- нишлари, коммунал хизматлар учун туловларини, фарзандларини тарбиялаш ва уқитиш харажатларини ва хоказоларни коплаш Шулар жумласидандир.

Компенсация моделидаги фойда ва капиталда иштирок этиш персоналга фойда ҳисобидан ажратмалар, акциялар учун дивидендлар тулашни назарда тутди.

Бозор иктисодиёти шароитида меҳнатга ҳақ тулашнинг **комиссия иш уақи усули** ҳам мавжуд. У улгуржи, чакана савдо хизмати курсатиш, реклама фаолиятига жалб этилган ходимлар меҳнатига ҳақ тулашни ташкил этиш максadini кузлайди. Комиссия иш хакининг энг куп кулланиладиган шакли - сотув хажмидан белгилаб куйилган аниқ; фоиз ҳисобида пул тулашдир. Бу усулнинг максadi сотув хажмини оширишни рағбатлантиришдир.

## **2. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш**

### **кўрсаткичларининг тавсифи**

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини, тайёрланган маҳсулотнинг сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг меҳнат натижаларига боғлиқ. Шунинг учун хўжаликларда ходимларнинг меҳнат фаолиятини энг самарадор қилишни таъминловчи, ходимларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи ташкилий – техникавий шароит яратиш мақсадида меҳнатни ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асослашган меҳнат нормаларини белгилашнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда иш вақтидан самарали фойдаланиши асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятларини кидириб топиш, яъни меҳнатни асосланган тарзда ташкил этиш ва уни таҳлил этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади (Г.Давлатова. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. - Фарғона, 2006).

Бозор иқтисодиётига ўтиш инсоннинг ташаббускор ва фаол бўлишини назарда тутди. Унинг қандай яшаши ўзининг янги иқтисодий тизимга сингиб у билан ҳамохонг бўлиб кетиш маҳоратига боғлиқ. Инсоннинг жисмоний имкониятлари ва маълумотлилиқ даражаси, маънавияти қанчалик юқори бўлса, бу нарса шунчалик муваффақиятлироқ кечади.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради (Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2005)

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи меҳнат самарадорлиги ва натижадорлигининг барча жиҳатларини акс эттирмайди, масалан, у меҳнат сифатини ҳисобга олмайди, бундан ташқари, меҳнат ресурсларидан оқилона

фойдаланиш зарурлигини ифодаламайди. «Меҳнат унумдорлиги» тушунчасига ўз аҳамияти жиҳатидан яқин, лекин мазмунан янада кенгрок бўлган тушунча «меҳнат самарадорлиги» тушунчасидир. Меҳнат самарадорлиги энг кам меҳнат харажатлари билан юқори меҳнат натижадорлигига эришиш даражасини ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги меҳнат унумдорлигидан фарқли ўлароқ фақат меҳнатнинг миқдор кўрсаткичларини эмас, шу билан бирга сифат натижаларини ҳам ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг яна бир муҳим устунлиги унда меҳнат ресурсларини тежашнинг акс этишидир (Р.Исмамов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. –Наманган, 2005).

Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, иш сифати зарур даражада бўлгани ҳолда меҳнат харажатлари қанчалик кам бўлса, меҳнат самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Фермер учун вақт бирлиги ичида қандай ишлаб чиқариш даражасига эришилгани эмас, шу билан бирга у қандай меҳнат харажатлари билан таъмин этилгани ҳам муҳимдир. Меҳнат харажатлари ходимлар сони ва меҳнатга тўланган ҳақ харажатлари билан ўлчанади. Униси ҳам, буниси ҳам иш вақти билан ўлчаниши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат самарадорлигини таҳлил қилганда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат харажатлари ҳам, шу билан бирга унинг тузилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳам қараб чиқилади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти айнан шу кўрсаткич миқдorigа боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги бир вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу кўрсаткич натижани ходимларни ўртача сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$I_{\text{адо}} \text{ олоиде} = \frac{y_{\text{е}} \text{ адо}}{\text{оиде} \text{ н}} \text{е}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики меҳнат унумдорлигига иккита омил таъсир қилади. Уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу ерда қайта ҳисоблаш усулини қўллаган ҳолда аниқлаш йўллари кўрсатилган.

Бундан ташқари меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада ривожлантириш мақсадида уни нормалаш ва меҳнатни илмий ташкил этиш катта рол ўйнайди. Меҳнатни нормаларсиз, яъни (миқдори ва сифатини) бирор ҳажмдаги иш ёки операцияларни бажариш учун зарур бўлган меҳнатни белгиламай туриб, уни ташкил этиб бўлмайди.

Меҳнатни нормалаш энг самарали меҳнат усули ва методларини танлашда, меҳнат тақсимооти ва кооперациясининг энг яхши шакллари иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг рационал тизимини белгилашда қўлланилади. Меҳнатни нормалаш — бу ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги иқтисодий фаолиятнинг муҳим тури бўлиб, унинг ёрдамида зарур меҳнат харажатлари белгиланади, унинг натижалари аниқланади, турли тоифадаги меҳнат ресурслари ва ходимлар меҳнатининг кооперацияси амалга ошириши, улар иш ўринларига қўйилади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат нормалари турли кўринишларда намоён бўлади.

Меҳнат нормаларининг барча турлари ичида асосийси — вақт нормаси бўлиб, у бир бирлик маҳсулот, операцияни бажаришга сарфланган бир ишчи ёки ишчиларнинг сарфлаган вақти билан ўлчанади. Вақт нормаси ( $T_n$ ) киши-соат, ёки киши-минутда ўрнатилади. Унинг таркибига вақт харажатларининг асосий вақт ( $T_{ac}$ ), ёрдамчи вақт ( $T_{\epsilon p}$ ), иш жойига хизмат кўрсатиш вақти ( $T_{x.k.}$ ), тайёрлов ва яқунлов вақти ( $T_{т.я.}$ ), дам олиш ва шахсий эҳтиёжлар вақти ( $T_{до.е.}$ ) ҳамда ишлаб чиқаришда тўғрилаб бўлмайдиган танафус вақтлари ( $T_{и/ч.т.}$ )ни ўз ичига олади.

$$T_n = T_{ac} + T_{\epsilon p} + T_{x.k.} + T_{т.я.} + T_{до.е.} + T_{и/ч.т.}$$

Маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси  $T_n$  (иш даври давомийлигини вақт нормасига бўлиш билан аниқланади);



$$T_n = \Phi_c + \frac{Q_{pb}}{T_n};$$

Бу ерда:  $\Phi_c$  - (соат, смена, декада, ой) ишлаб чиқариш нормасини қўллашни кўзда тутган иш вақтининг давомийлиги;

$Q_{pb}$  – бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони.

$T_n$  – бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган вақт нормаси (киши-соат, киши-минут).

Умуман хулоса қилганда фермер хўжалигидаги меҳнат ресурсларининг фаолиятини таъсири, меҳнат унумдорлигини ўсиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига бориб тақалади.

Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган хулосаларга келиш имкониятини беради. Ғаллачилик иқтисодий самарадорлиги натурал, киймат ва тулдирувчи (нисбий) характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланиши тўғрироқдир

Рентабеллик фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларидан ҳисобланиб, ўзида сарфланган бир сўмлик ҳаражат ҳисобига олинган фойдани ифодалайди. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида яқуний, умумий хулоса чиқариш асосида тармоқ салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ эканлигини асослайди. Маҳсулот таннархи эса уни ишлаб чиқариш учун кетган пул материал ҳаражатлари ва иш ҳақидан иборатдир. Ҳаражатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Шу жиҳатдан таннарх таркибидаги бу икки нисбат оптималлигини таъминлаш бозор иқтисодиётининг асосий талабидир.

Юқорида кўриб ўтилган кўрсаткичларга моддий манфаатдорлик нуктаи назаридан баҳо берсак, уларнинг ҳар бири ўзида иқтисодий самарадорликни баъзи бир жиҳатларини акс эттириши билан бир қаторда мавсум якунидаги моддий манфаатдорликни назарда тутати. Аммо, ғалла етиштирувчиларни мавсум давомидаги эҳтиёжларини қондириш ҳам муҳим зарурият ҳисобланади. Бу заруриятни эса натурал ва қиймат кўринишидаги даромадлар ҳал этади. Ғаллачиликда ғалла етиштирувчиларни иш ҳақи билан таъминлаш даражасини ўзида тўлароқ акс эттирувчи кўрсаткич бу бир ишловчи ҳисобига пул даромадларининг миқдори ҳисобланади. Бу кўрсаткич олинган соф фойдани ходимлар сонига нисбатини мавсум ойлари бўйича қайта ҳисоби билан асосланади. Бу кўрсаткични ҳисобга олиш биринчидан, меҳнат ресурсларининг кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳолатини аниқлаш ва шу асосда уни яхшилаш чора тадбирларини белгилаш имконини берса, иккинчидан, ишчиларни мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатининг яхшиланишига, учинчидан эса ғалла етиштирувчиларни ижтимоий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш учун замин яратилади.

Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари энг аввало ҳар бир ҳаражат турининг ҳосилдорликка қай даражада таъсир этишини яхши англаши ва шунга мувофиқ ҳаражатлар сарфини амалга ошириб бориши лозим. Фермер хўжаликларида пахта ва буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ялпи маҳсулот етиштирилган ялпи ҳосилни 1 ц буғдойнинг ҳарид баҳосига кўпайтириш орқали аниқланади. Буғдой ҳарид баҳоси, топшириладиган доннинг синфига ва навига боғлиқ ҳолда табақалашган бўлади. Доннинг ҳарид баҳоси турли йиллардаги жаҳон бозоридаги нархи, инфляция даражаси, жорий йилдаги табиий-иқлим шароитига мос ҳолда сарфланган ўртача ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда давлат тайёрлов ташкилотлари томонидан шакллантирилади. Фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти минг сўм ҳисобида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари аввало асосий ва устама ҳаражатларга, маҳсулот таннархига киритилишига қараб тўғри ва эгри ҳаражатларга, ҳаражатлар таркибига қараб оддий ва комплекс ҳаражатларга, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб доимий ва шартли ўзгарувчи ҳаражатларга бўлиш мумкин. Ушбу барча ҳаражатларни жамлаган ҳолда қиймат кўринишида ҳисобга олиниб, минг сўм ўлчов бирлигида ифодаланади (Б.Салимов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти, Т.:2004).

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш учун қилинаётган барча ҳаражатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисобот объектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра таснифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» да кўрсатилган. Унга кўра ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражатларнинг элементлари:

а) ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари, яъни уруғлик ва кўчат ҳаражатлари, минерал ўғитлар учун ҳаражатлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, иш ва техник сервис хизматлари учун ҳаражатлар, ўз техникаларини таъмирлаш учун сарфланган ресурслар учун ҳаражатлар ва бошқа моддий ҳаражатларни ўз ичига олади.

б) меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари

в) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар,

г) асосий фондлар амортизациясига ўтказма

д) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа моддий ҳаражатлар

2. Таннархга киритилмайдиган, бироқ фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр ҳаражатлари, яъни бошқарув ҳаражатлари, маҳсулотни сотиш ҳаражатлари, бошқа операцион ҳаражатлар.

3. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар. Бунга фоизлар бўйича

тўловлар, мол-мулкни узоқ муддатли лизингга олиш тўловлари, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар киради.

4. Фавқулодда зарарлар – сув тошқини, ёнғин, дўл жала каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар

Фермер хўжалигида ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг ғаллачиликдаги фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ўртача 1 гектар экин майдонида тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи маҳсулот ва даромад ҳам самарадорликни аниқлашга асос бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалигидаги ўртача 1 ҳодим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот ва иш ҳақи хўжаликни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилишда асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, меҳнат харажатлари эвазига яратилган ялпи маҳсулот меҳнат унумдорлиги ва меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини янада яққол намоён этади.

### **3. Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари**

Мамлакат аҳолисини озиқ овқат ва истеъмол таврлари билан таъминлаш масаласи доиммо долзарб бўлиб келган. Шу жумлдан қишлоқ хўжалигида етиштилаётган маҳсулотларни кўпайтиришда фермер хўжалигини роли аҳамиятли ҳисобланади. Битирув малакавий ишини таёрлашда Андижон туманидаги «Окбой Асл» фермер хўжалиги ўрганиб уни таҳлил этиб фикр ва мулохзаларни билдириш ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Андижон туманидаги «Окбой Асл» фермер Андижон туманидаги Ҳақиқат масивини, «Бўтақара» ҚФЙда жойлашган бўлиб, у вилоят марказидан 21км, туман марказидан 25км узоқликда жойлашган. Унинг умумий ер участкасини майдони 110 гектар бўлиб, экин майдонлари эса 96.7 гектарни ташкил этади. Фермер хўжалиги туман ҳокимиининг №0019 қарори 2006 йил 24 январида ташкил топган бўлиб, 0.11 2009 йилда туман ҳокимини 125 сонли қарори билан Миралишер фермер хўжалигини 40.1 гектар ери, 2010 йили “Саховат савдо элит” фермер хўжалигини 20.5 гектар ер майдони қўшилиб янгитан ташкил этилган. Фермер хўжалигини 1953 йилда туғилган 41 йил иш стажига эга бўлган олий маълумотли агроном олим Ахмадалиев Маҳаммадхалил бошқарувчилик қилади. Дастлаб фермер хўжалигини бошлиғи бригдир, бўлим бошлиғи. кейинчалик бош агроном лавозимларида ишлаб келган. Шундан кўриниб турибдики ишлаб чиқриш тажрибага эга мутахасис ҳисобланади. Фермер хўжалигини ғарб томонидан Дурофшон боғи, фермер хўжалиги, шимол томонидан Абдуқаҳор Шерхон, фермер хўжалиги, жануб томонидан Муқимий фермер хўжалиги, билан чегарадош. Фермер хўжалигидан Андижон Пахтаобод, асфал йўланишидаги автомагистралдан ичкарасида 6 км масофада жойлашган.

Фермер хўжалиги туман дон маҳсулотларини қабул қиш корхонасидан 14 км, пахта тозалаш заводидан 3 км, пилла тайёрлаш корхонасидан 15 км.

Узкимё ташкилотидан 17 км, ва МТПдан 10км, Андижон туман темир йўл йўл станцияси 12 км узоқликда жойлашган.

Фермер хўжалиги кишлоқ хўжалик махсулотларидан пахта ва буғдой, етиштиришга ихтисослаган. Шу жумладан пахта 56.7 га, буғдой 40 га, гектарини ташкил қилади. экиладиган пахта нави «Анд-37», „Буғдой эса «Тания» номли нави экилади. Ундан ташқари буғдой хосили йиғиштириб олингандан кейин уни ўринга такрорй экин сифатида пиёз, картошка, сабзи, туруп, шолғом ва шу каби бошқа сабзавот экинлари ҳам экинлари экилади. Фермер хўжалиги МТП, ММТП, Узкимё, Пахта завод, дон қабул қилиш шохобчаси, нефт базаси, пилликашлик корхоналари билан иқтисодий муносабатларини ташкил қилган, бўлиб туманининг микро кредит банкида ҳисоб рақами очилган.

Банкдаги ҳисоб рақами – Микро кредит банк Андижон туман бўлими МФО 0063 Ҳисоб рақами 20208000904449520001. Солиқдаги ҳисоб рақами 205983256.

Хўжаликдаги мавжуд лалмикор ерларидан фойдаланиш мақсадида ажратилган ер майдонини 10 га ерларни, аҳолини эҳтиёжлари учун кишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш учун такрорий экинлар экиш учун ажратилади. Фермер хўжалигининг ер участкасини бир қисми текисликда, қолганалари адирликда жойлашган бўлиб нисбатан олганда табиий иқлим шароитига қулай ҳисобланади..Тупроқни тури оқ тусли бўз тупроқдир. Фермер хўжалиги жойлашган ҳудудининг иқлим шароити кескин континентал бўлиб, ёз мавсуми иссиқ, қиш фасли эса совуқ ҳисобланади. Ёзда хаво ҳарорати 38-42 даражага қатар кўтарилади. Қиш ойларида эса хавонинг 10-12 даражагача, айрим йилларда 14-16 даражага етади. Йилнинг ўртача хавонинг хавонинг ҳарорати 17-19 даражага тенг бўлиб, ўрта толали пахта ғалла экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Фермер хўжалиги иқлим шароитига мос ҳолда суғорилиб дехқончилик қилинади. Фермер хўжалигини сув билан таъминланиши талаб даражасида бўлиб, у оқава сувдан Қорабош, дарё тизимидаен фойдаланиб фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддат давлат томонидан ижарага берилган бўлиб, ер учаскаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалигининг аъзолари билан биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектдир. ер учаскасининг меларатив ҳолати яхши бўлиб, ер ости сувлари 4-5 метр жойлашган. Тупроғи оч тусли бўз тупроқ ҳисобланиб, нисбатан олганда унумдор ҳисобланади. Хўжалик ерининг тупроғи унумдор бўлиб ундан ғомус миқдори ҳам талаб даражасида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган кенг кўламли ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йил ноябр ойида бутун Ўзбекистон бўйича ўтказилганидек, Андижон туманида ҳам фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. 2011 йилдан 96.7 гектарли ер майдонида фаолият кўрсатишни бошлади. Бунга сабаб фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

**Андижон туманидаги «Хосилдор Ғолиб» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкасини тупроқ бонитет баллари тўғрисида маълумот.**

**1- жадвал.**

| № | Ер участкалари           |                     | Бонитет                          | Ер<br>майдон<br>и. га | Ўртача<br>боните<br>т бали | Суғори<br>ш<br>картала<br>ри сони | Ўртача<br>бир<br>картани<br>ҳажми.<br>га |
|---|--------------------------|---------------------|----------------------------------|-----------------------|----------------------------|-----------------------------------|------------------------------------------|
|   | Кадастр<br>гуруҳлар<br>и | Синфлари            |                                  |                       |                            |                                   |                                          |
| 1 | 1- кадастр<br>гуруҳи     | 1- синф<br>2- синф  | 0 дан 10 гача<br>11дан 20 гача   |                       |                            |                                   |                                          |
| 2 | 2- кадастр<br>гуруҳи     | 3- синф<br>4-синф   | 21 дан 30 гача<br>31дан 40 гача  |                       |                            |                                   |                                          |
| 3 | 3- кадастр<br>гуруҳи     | 5- синф<br>6- синф  | 41 дан 50 гача 51<br>дан 60 гача |                       |                            |                                   |                                          |
| 4 | 4- кадастр<br>гуруҳи     | 7- синф<br>8- синф  | 61 дан 70 гача 71<br>дан 80 гача | 96,7                  | 76                         | 5                                 | 19.2                                     |
| 5 | 5-кадастр<br>гуруҳи      | 9- синф<br>10- синф | 81 дан 90 гача 91<br>дан 100гача |                       |                            |                                   |                                          |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики «Хосилдор Ғолиб» фермер хўжалигига ижарага берилган ер учаскасининг тупроқ банитет баллари ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар акс этирилган. Фермер хўжалиги 5та суғораиш картасидан иборат .Ер учаскаси 4-кадастир гуруҳининг 7-синифга оид бўлиб, унинг ўртача банитет бали 62га тенг бўлиб, фермер хўжалиги шу асосда ягона ер солиғини тўлайди.

Фермер хўжалигини ер учаскаси текисликда жойлашган бўлиб, уни ўрача банитет 76 балл, 5та суғориш картасидан иборат бўлиб, ўртача битта суғориш картасини ҳажми 19.2 гектарга тенг. Биринчи суғориш картасини



ҳажми 25га, иккинчи картасини ҳажми 18 га, учунчи суғориш картасини ҳажми 10 га, тўртинчи 22 га, бешинчи 21 га, ташкил қилади.

Юқори маълумотлар фермер хўжалигининг барча суғориш карталарини пахта етиштириш бўйича меъёрлардан 52 марта юқори эканлигини асослайди. Суғориш карталарининг ҳажми техника воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Сабаби уни суғориш карталарининг ҳажми талаб даражасида кескин юқори бўлиб, ишлаб чиқариш ресурсларидан жумладан техникадан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, дон ва такрорий экинлар экилади. Фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларининг фаолият давомидаги 3 йил мобайнидаги таркиби, экинлар структураси ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда батафсил келтирилган.

**Андижон туманидаги “Хосилдор Ғолиб” фермер хўжалигини экин майдони ва унинг таркиби.**  
**(2жадвал)**

| №   | Кўрсаткичлар         | Ўл-<br>чов<br>бир-<br>лиги | Йиллар      |      |              |      |             |      | 2011-<br>йилда<br>2009-<br>йилга |
|-----|----------------------|----------------------------|-------------|------|--------------|------|-------------|------|----------------------------------|
|     |                      |                            | 2009        |      | 2010         |      | 2011        |      |                                  |
|     |                      |                            | Микд<br>ори | %    | Мик-<br>дори | %    | Микд<br>ори | %    |                                  |
| 1   | Жами экин<br>майдони | Га                         | 78,7        | 100  | 78,7         | 100  | 96.7        | 100  | 123                              |
| 1.1 | Шундан: пахта        | Га                         | 51.9        | 65,9 | 45,9         | 58,4 | 56.5        | 58.4 | 109                              |
|     | Ҳосилдорлик          | ц\га                       | 32          | X    | 35           | X    | 32          | X    | 91.4                             |
|     | Ялпи ҳосил           | Ц                          | 1662        | X    | 1610         | X    | 1781        | X    | 107,1                            |

|     |                         |       |      |      |      |      |      |      |     |
|-----|-------------------------|-------|------|------|------|------|------|------|-----|
| 1.2 | Дон                     | Га    | 26,8 | 34,1 | 32,8 | 41,6 | 40,2 | 41,6 | 150 |
|     | Ҳосилдорлик             | ц\га  | 69   | X    | 62   | X    | 69,5 | X    | 101 |
|     | Ялпи ҳосил              | Ц     | 1851 | X    | 2034 | X    | 2792 | X    | 151 |
| 3   | Ҳодимлар сони           | нафар | 42   | 100  | 40   | 100  | 45   | 100  | 100 |
| 2.1 | Шундан:<br>Пахтачиликда | нафар | 30   | 71.4 | 31   | 77.5 | 36   | 80   | 120 |
| 2.2 | Дончиликда              | нафар | 12   | 28.6 | 9    | 22.5 | 9    | 20   | 75  |
| 3   | Ерни бонитет<br>Бали    | Балл  | 83   | 100  | 83   | 100  | 62   | 100  | 100 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигининг экин майдини ўзгарган. Шу муддатда хўжаликда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони 45нафарни ташкил этади. Фермер хўжаликларда банд бўлган 45 нафар ходимнинг 36 нафари пахтачиликда ва қолган 9 нафари дончиликда фаолият кўрсатамоқда. Пахтачилик бўйича ҳосилдорлик таҳлил этилаётган даврларда 32центенердан ўзгармаган. Кўрсатилган йилларда буғдой дони ҳосилдорлиги ҳам 69 центенердан 69.5центенерга ўзгарган. Ҳосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта ва дон экинларининг ҳали фойдалинилмаган имкониятлари мавжуд бўлиб, унда фермер хўжалигини истиқболдан ривожланиши бўйича дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Фермер хўжалигининг истиқболдаги ривожланиш дастурини тайёрлашда аввало уни экин майдонини оптимал даражага етказиш уни ихтисослашувга ва ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланишига ва

жойлашган ўрнига мос ҳолда аниқланади. энди фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида танишиб ўтамыз.

Фермер хўжалигини олий маълумотли мухандис Ахмадалиев Муҳаммадхалил ҳозиргача бошқариб келмоқда. Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини агротехник, ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Фермер хўжаликларини қўллаб қўвватлаш учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги массивда ва туманда ўз муносиб обрўсига эга. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳақидаги батафсил маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

**Андижон туманидаги “Хосилдор Ғолиб” фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.** **3-жадвал.**

| №         | Аъзоларининг<br>исми ва<br>шарифи | Туғилган йили | Маълумоти      | Касби        | Иш стаж | Шу жумладан қишлоқ | Фермер<br>хўжалиги<br>раҳбарига<br>қариндош<br>-<br>уруғчили<br>к алоқаси | Қўши<br>мча<br>эгалла-<br>ган<br>касби |
|-----------|-----------------------------------|---------------|----------------|--------------|---------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|
| Аъзолари: |                                   |               |                |              |         |                    |                                                                           |                                        |
| 1         | Ахмадалиев<br>Муҳаммадхалил       | 1953          | Олий           | ф\х раҳ      | 41      | 41                 | Ўзи                                                                       | Агран<br>ом                            |
| 2         | Ахмадалиев<br>Мухсинжон           | 1962          | Ўрта           | муханди<br>с | 25      | 24                 | укаси                                                                     | Тадби<br>ркор.                         |
| 3         | Назаров<br>Нозимжон               | 1968          | Ўрта<br>махсус | Хисобчи      | 18      | 6                  |                                                                           | иқтисо<br>дчи                          |
| 4         | Ахмадалиев                        | 1979          | Олий           | иқтисод      | 13      | 6                  |                                                                           | тадбир                                 |

|                                |              |      |      |       |    |    |       |              |
|--------------------------------|--------------|------|------|-------|----|----|-------|--------------|
|                                | Садирдин     |      |      | чи    |    |    |       | кор          |
| 5                              | Ҳамрабоева.Х | 1966 | Ўрта | Ишчи  | 20 | 7  | Қизи  | чевар        |
| 6                              | Усмонова .М  | 1979 | Ўрта | Ишчи  | 10 | 8  | жияни | хамши<br>ра  |
| 7                              | Каримов А    | 1964 | Ўрта | Ишчи  | 15 | 3  | жияни | -            |
| 8                              | Тўланова.К   | 1975 | Ўрта | ишчи  | 14 | 14 | -     | -            |
| 9                              | Жабборова.З  | 1980 | Ўрта | ишчи  | 13 | 13 | -     | -            |
| 10                             | Ергашев Н.   | 1992 | Ўрта | ишчи  | 3  | 3  | -     | Сварш<br>ик- |
| 11                             | Омонбоев .Ф  | 1988 | Ўрта | Ишчи  | 6  | 3  | -     | Дурадг<br>ор |
| 12                             | Ахмедов А    | 1980 | Ўрта | Ишчи  | 11 | 5  | -     | -            |
| Шартнома асосида ишлаётганлар: |              |      |      |       |    |    |       |              |
| 1                              | Тожибоев.О   | 1983 | Ўрта | ишчи  | 9  | 5  | -     | -            |
| 2                              | Акбаров С    | 1983 | Ўрта | ишчи  | 8  | 6  | -     | -            |
| 3                              | Олимова Б.   | 1990 | Ўрта | Ишчи  | 4  | 4  | -     | -            |
| 4                              | Султонов Т.  | 1975 | Ўрта | Сувчи | 15 | 10 | -     | Уста         |
| 5                              | Султонов И.  | 1984 | Ўрта | Сувчи | 10 | 10 | -     | Чевар        |
| 6                              | Рахимов э.   | 1968 | Ўрта | Ишчи  | 23 | 12 | -     | Тад-ор       |
| 7                              | Давронов Л.  | 1970 | Ўрта | Ишчи  | 28 | 14 | -     | Уста         |
| 8                              | Давронова К. | 1973 | Ўрта | Ишчи  | 24 | 13 | -     | Уста         |
| 9                              | Фармонов З.  | 1987 | Ўрта | Ишчи  | 6  | 5  | -     | Уста         |
| 10                             | Зияев Й.     | 1978 | Ўрта | Ишчи  | 20 | 13 | -     | Уста         |
| 11                             | Шодиев О.    | 1980 | Ўрта | Ишчи  | 11 | 7  | -     | Ду-гор       |

**Жадвалда** Андижон туманидаги Хосилдор Голиб фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумотлар акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида жами 45нафар ходимлар мавжуд бўлиб,улардан 12та аъзоларини ва қолган 33

нафари шартнома асосида ишловчиларни ташкил этади. Шартнома асосида ишловчилар, фермер хужалиги бошлиғи билан 10 йил муддатга тузилган меҳнат шартномалари асосида фаолият кўрсатишади. Меҳнат шартномаларида иш берувчининг ва ёлланган ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўла акс эттирилган бўлиб меҳнат жароинида юзага келадиган барча келишмовчилар улар асосида бартараф этилади.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалиги меҳнат жамосининг таркиби қуйидагича. Жамоанинг 2 нафар аъзоси олий маълумотли, 1 нафари ўрта махсус қолган барчаси ўрта ва ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Келтирилган маълумотлар фермер хўжалигида бошқаришни самарали ташкил этиш учун жамоадаги махсус тайёргарликка эга бўлган мутахасис кадрларнинг салмоқли талаб даражасида кескин паст эканлигини асослайди.

Фермер хўжалигида махсулот ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охириги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Буни биз Олтин ер саховати фермер хўжалигининг охириги уч йил мобайнидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида яққол кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги батафсил маълумотлар 4- жадвалда келтирилган.

**Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги. 4- жадвал.**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов<br>бирлиги | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2011 йилда<br>2009 йилга<br>нисбатан<br>% |
|---|--------------|------------------|---------|---------|---------|-------------------------------------------|
| 1 | Екин майдони |                  | 78,7    | 78,7    | 96      | 122                                       |
|   | а)пахта      | га               | 51,9    | 45,9    | 56,5    | 109                                       |
|   | Б)бугдой     | га               | 26,8    | 32,8    | 40,2    | 150                                       |


|   |                                                                       |            |                 |                 |                 |                |
|---|-----------------------------------------------------------------------|------------|-----------------|-----------------|-----------------|----------------|
|   |                                                                       | га         |                 |                 |                 |                |
| 2 | Ишлаб<br>чиқариш<br>ҳаражатлари.<br>Шундан: иш<br>ҳақи                | м.с<br>м.с | 109771<br>12298 | 125255<br>22650 | 170600<br>37900 | 155<br>308     |
| 3 | Ҳодимлар сони                                                         | нафар      | 42              | 40              | 45              | 107            |
| 4 | Ялпи маҳсулот                                                         | м.с        | 123846          | 147565          | 209671          | 169            |
| 5 | Фойда                                                                 | м.с        | 14075           | 22310           | 39071           | 278            |
| 6 | Фермер<br>даромади                                                    | м.с        | 26373           | 44960           | 76971           | 324            |
| 7 | 1 гектар<br>ҳисобига:<br>а) ялпи<br>маҳсулот<br>б) фермер<br>даромади | м.с<br>м.с | 1573,6<br>335,1 | 3689<br>571,3   | 2184<br>801,8   | 138,8<br>239,3 |
| 8 | 1 ҳодим<br>ҳисобига:<br>а) ялпи<br>маҳсулот<br>б) иш ҳақи             | м.с<br>м.с | 2948<br>292,8   | 3689<br>566     | 4659,4<br>842,2 | 158<br>288     |
| 9 | Рентабеллик                                                           | %          | 12,8            | 17,8            | 23              | 179            |

4-жадвал ҳамда маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида экин майдонлари 22.0% ошган ҳолда жами ишлаб чиқариш харажатлари 2009 йилдаги 109771 минг сўмдан 2011 йилда 170600 минг сўмга етган ёки 155% ортган. Бунга сабаб сифатида бозориктисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиши ҳамда экин майдонининг кенгайиши ҳисобланади. Харажатларнинг батафсил таркиби ишнинг кейинги қисмларида кўриб чиқилади. Пахта ва ғалла етиштириш ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2009 йилдаги 123846 минг сўмдан 2011 йилда 209671 минг сўмга етган ёки 169% га ортган. Бу кўрсаткич ўсишининг омиллари эса ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилнинг ошиши ҳамда пахта-ғалланинг давлат харид баҳоларини 3 йил мобайнидаги ортиши ҳисобланади. Шунингдек фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида фойданинг ўсиши +2.7 марта, фермер даромади +3.24 марта ва бир ходим ҳисобига ялпи маҳсулот миқдори 58. фоизга ўсган.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланган. Буни биз иқтисодий самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи ҳисобланган рентабеллик даражасини 12.8 ва 23 фоизли кўрсаткичидан яққол кўришимиз мумкин. Яъни таҳлил даврида рентабеллик 179 фоиз кўрсаткичга ортган. Юқоридаги келтирилган натижалар фермер хўжалигида аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлигидан далолат беради. Юқорида таъкидланганидек, оптималлаш жараёнларида Хосилдор Ғолиб фермер хўжалиги кенгайди. Фермер хўжалигининг кенгайишига сабаб унинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги,

1-чизма

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари



қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

#### **4. Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили**

Меҳнат фаолиятининг мақсади бирор натижага эришиш, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ҳар қандай ходим ёки уларнинг гуруҳи учун натижа самарадорлиги, яъни вақт бирлиги – соат, кун, йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат миқдори муҳим аҳамиятга эга. Бу натижа қанчалик юқори бўлса, унинг бирлигига сарфланган харажат, шу жумладан, хона, бино учун ижара ҳақи электр қувватидан фойдаланиш ҳақи ва шу кабилар шунчалик камроқ бўлади. Бинобарин, меҳнат унумдорлиги юқори, маҳсулот ҳажми кўпроқ бўлса, унинг харажатлари камроқ



бўлади. Меҳнат самарадорлиги маҳсулдорлиги меҳнат кўрсаткичи билан ўлчанади.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради.

Шарт-шароитлар қулай бўлса, у ёки бу омилнинг таъсир этишини кучайтиради ёки ноқулай бўлса, бу таъсирни заифлаштиради. МАСЛан, табиий-иқлим шароитлари ва фонд билан қуролланганлик даражаси фермер хўжалигидаги меҳнат натижаларига ва унинг унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар бошқа тенг шароитда ҳам меҳнат унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигининг даражасини баҳолашда албатта пахта ва ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашдан бошлаш керак деб ўйлаймиз.

Шу нуқтаи назардан Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини ва моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликка эришишга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича ўрганиб чиқдик. Фермер хўжалиги табиий иқлим, ер шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб асосан пахта ва дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат буюртмаси асосида пахта ва буғдой учун шартномавий муносабатлар асосида фаолият ташкил этилган бўлиб, аввало хўжаликда асосий экин ҳисобланган пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги охириги уч йил мобайнидаги бу соҳадаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар атрофлича ўрганиб чиқилди. 5-жадвал

**Андижон туманидаги Ҳосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

**5- жадвал.**

| №  | Кўрсаткичлар                      | Ўлчов<br>бирлиги | 2009 й. | 2010 й. | 2011й   | 2011 йилда<br>2009 йилга<br>нисбатан<br>% |
|----|-----------------------------------|------------------|---------|---------|---------|-------------------------------------------|
| 1  | Екин майдони                      | га               | 51,9    | 45.9    | 56.5    | 109                                       |
| 2  | Ҳосилдорлик                       | ц\га             | 32      | 35      | 32      | 100                                       |
| 3  | Ялпи ҳосил                        | ц                | 1662    | 1610    | 1781    | 107                                       |
| 4  | Ишлаб чиқариш<br>ҳаражатлари      | м.с              | 20174,3 | 23564,8 | 29504,9 | 146,2                                     |
|    | Шундан: иш ҳақи                   | м.с              | 6455,8  | 7540,7  | 9441,6  | 146,2                                     |
| 5  | Ҳодимлар сони                     | нафар            | 30      | 31      | 36      | 120                                       |
| 6  | Ялпи маҳсулот                     | м.с              | 22829,9 | 2793,7  | 36108,7 | 158,2                                     |
| 7  | Фойда                             | м.с              | 2655,7  | 4366,9  | 6603,8. | 248,7                                     |
| 8  | Фермер даромади                   | м.с              | 9111,5  | 11907,6 | 16045,4 | 176,1                                     |
| 9  | 1 центнер пахтани<br>Таннархи     | сўм              | 32970   | 37104   | 45260   | 137,3                                     |
| 10 | 1 центнер пахтани<br>сотиш баҳоси | сўм              | 37310   | 43980   | 55390   | 148,5                                     |

|    |                    |     |        |        |        |       |
|----|--------------------|-----|--------|--------|--------|-------|
| 11 | 1 гектар ҳисобига: |     |        |        |        |       |
|    | а) ялпи маҳсулоти  | м.с | 1081,9 | 1323,8 | 1711,3 | 158,2 |
|    | б) фермер даромади | м.с | 431,8  | 564,3  | 760,5  | 176,1 |
| 12 | 1 ҳодим ҳисобига:  |     |        |        |        |       |
|    | а) ялпи маҳсулот   | м.с | 1141,5 | 1396,6 | 1805,4 | 158,2 |
|    | б) иш ҳақи         | м.с | 322,8  | 377,0  | 472,1  | 146,3 |
| 13 | Рентабеллик        | %   | 13,2   | 18,5   | 22,4   | 169,7 |

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида 56.5 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 2011 йилда гектарига 32,0 центнердан ҳосил олинган. Пахта майдони таҳлил этилаётган 2009-2011 йилларда 0.9%га ошган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштиришда 2009-2011 йилларда иқтисодий самарадорлик анча яхшиланган. Рентабеллик ошишининг омили сифатида эса ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсишини кўрсатиш мумкин. Ҳақиқатдан, 2009-2011 йилларда ишлаб чиқариш харажатлари 146.2%га ошган бир пайтда ялпи маҳсулотнинг ҳажми 1.6 марта ошган. Ялпи маҳсулот билан ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи сифатида топиладиган фойда миқдори таҳлил даврида 26557.7 минг сўмдан 6603.8 минг сўмгача етган ёки 2.48 мартага ошган.

1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми 1081.9 минг сўмдан 1711.3 минг сўмга етган ёки 58.2 фоизга ошган. Фермер хўжалигининг 1 гектардан олинган даромади эса 431.8 минг сўмдан 760.5 минг сўмгача етган.

Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичларидан бири бўлган пахтачиликда 1 ҳодим ҳисобига тўғри келувчи ялпи маҳсулот миқдори 2009 йилдаги 1145.5 минг сўмдан 2011 йилда 1805.4 минг сўмгача етган ёки 58% га ортган.

Ишлаб чиқариш харажатларини ялпи ҳосилга бўлиш натижасида 1 ц пахтанинг таннархини топиш мумкин. Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида таннарх 45260 сўмдан тушган бир даврда пахтанинг сотиш баҳоси 55390 сўмга тўғри келган.


Юқоридаги барча кўрсаткичларнинг таҳлили асосида якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасининг анча ортганини кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган 2009-2011 йилларда 13.2% дан 22.4%гача ортган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта етиштириш жараёнида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини 2-чизма ёрдамида кўриб чиқамиз.

Чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичларидан бири бўлган пахтачиликда 1 ходим ҳисобига тўғри келувчи ялпи маҳсулот миқдори 2009 йилдаги 1141.5 минг сўмдан 2011 йилда 1805.4 минг сўмгача етган ёки 58.2% га ортган. 1 ходим ҳисобига тўғри келувчи иш ҳақи эса 2009 йилдаги 322.8 минг сўмдан 2011 йилда 472.1 минг сўмгача етган ёки 46.3% га ортган.

2-чизма

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта ишлаб  
чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари



Фермер хўжалиги пахтачилигида самарали натижаларга эришиш учун энг аввало пахта етиштириш учун сарфланадиган харажатларни ўз ўрнида ва самарали сарфланиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида биз фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатларини охириги уч йил мобайнидаги иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Бу тўғридаги батафсил маълумотлар, яъни Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришини 6-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган харажатлар барча элементлар бўйича 2009 йилга нисбатан ортган. Харажатларнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бир оз ўзгариш кўзга ташланади Жумладан, моддий харажатлар жами ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли 59.6-58.6 фоизини ташкил этган. Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида моддий

**Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби.**

**6- жадвал.**

| №               | Харажатлар<br>Тури                                   | 2009 йил. |       | 2010 йил. |       | 2011 йил. |      |
|-----------------|------------------------------------------------------|-----------|-------|-----------|-------|-----------|------|
|                 |                                                      | м.с       | %     | м.с       | %     | М.с       | %    |
| 1               | Моддий харажатлар                                    | 12023,9   | 59,6  | 14044,6   | 59,6  | 17289,9   | 58,6 |
|                 | а) уруғлик                                           | 2441,1    | 12,1  | 2851,3    | 12,1  | 3009,5    | 10,2 |
|                 | б)ўғитлар                                            | 3409,5    | 16,9  | 3982,4    | 16,9  | 4927,3    | 16,7 |
|                 | в) Ё.М.М                                             | 2057,8    | 10,2  | 2403,6    | 10,2  | 4160,2    | 14,1 |
|                 | г) иш ва хизматлар                                   | 2602,5    | 12,9  | 3039,9    | 12,9  | 3481,6    | 11,8 |
|                 | д) бошқа моддий<br>харажатлар                        | 1513,1    | 7,5   | 1767,4    | 7,5   | 1711,3    | 5,8  |
| 2               | Меҳнат ҳақи<br>харажатлари                           | 6455,8    | 32    | 7540,7    | 32    | 9441,6    | 32   |
| 3               | Ижтимоий<br>ажратмалар                               | 282,4     | 1,4   | 329,9     | 1,4   | 413,1     | 1,4  |
| 4               | Асосий воситалар<br>ва номоддий<br>активлар эскириши | 1210,5    | 6,0   | 1413,9    | 6,0   | 2065,3    | 7.0  |
| 5               | Бошқа харажатлар                                     | 201,7     | 1     | 235,6     | 1,0   | 295,0     | 10   |
| Жами харажатлар |                                                      | 20174,3   | 100,0 | 23564,8   | 100,0 | 29504,9   | 100  |

харажатлар таркибидаги минерал ўғитлар учун харажатлар 2009 йилда 3409.5 минг сўмдан 2011 йилда 4927.3 минг сўмга етган. Жами харажатлар таркибида эса 2011 йилда 2009йилга нисбатан 46%га ўсганлигини кўрсатади.

Пахта етиштириш жараёнида дехконнинг каноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини ўрни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун харажатлар талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилғиси ва турли мойлар учун харажатлар салмоқли аҳамият касб этади. Таҳлил даврида Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида ЁММ учун 2057.8 минг сўмдан 4160.2 минг сўмгача, яъни жами харажатларнинг 14.1%и микдорида харажат килинган.

Бундан ташқари фермер хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларни эскириши ва бошқа харажатлар учун мўлжалланган маблағлардан ҳам самарали ва тежамкорлик билан фойдаланилган. Фермер хўжалиги аъзолари иш ҳақи фонди жами харажатларга нисбатан 32 %и ташкил этади. Иш ҳақи фонди 2009 йилда 6455.8минг сўмдан 2011 йилда 9441.6 минг сўмга етган.

Хўжаликнинг асосий воситаларига амортизация ажратмалари таҳлил даврида 1210.5 минг сўмдан 2065.3 минг сўмгача ўтказилган ёки 7.0% ортган.

Жами ишлаб чиқариш харажатлари 2009 йилдаги 20174.3 минг сўмдан 2011 йилда 29504 минг сўмгача ўзгарган.

Етиштирилган пахта ҳосилининг ялпи маҳсулоти микдори тайёрлов қорхоналарига етказилган пахтанинг қайси навга қабул қилинишига боғлиқ. энди хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик омилларидан бўлган пахта сифатини кўриб чиқамиз. 7-жадвалда Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида етиштирилган пахтанинг навлар бўйича тақсимланиши акс эттирилган.

**Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигини сотилган жами пахтасини навлар бўйича тақсимланиши. 7- жадвал**

| Саноа | Синфи | 2009- йил. | 2010- йил. | 2011- йил |
|-------|-------|------------|------------|-----------|
|       |       |            |            |           |

|                |      | миқдори<br>ц | %     | миқдори<br>ц | %     | миқдори<br>ц | %    |
|----------------|------|--------------|-------|--------------|-------|--------------|------|
| <b>И</b>       | 1    | 85           | 52.4  | 90           | 55.9  | 105          | 58.9 |
|                | Жами | 85           | 52.4  | 90           | 55.9  | 105          | 58.9 |
| <b>ИИ</b>      | 1    | 56           | 34.5  | 45           | 27.9  | 73.1         | 41.1 |
|                | Жами | 56           | 34.5  | 45           | 27.9  | 73.1         | 41.1 |
| <b>ИИИ</b>     | 1    | 21.2         | 13.1  | 26.1         | 16.2  |              |      |
|                | Жами | 21.2         | 13.1  | 26.1         | 16.2  |              |      |
| <b>ИВ</b>      | 1    |              |       |              |       |              |      |
|                | 2    |              |       |              |       |              |      |
|                | 3    |              |       |              |       |              |      |
|                | Жами |              |       |              |       |              |      |
| <b>В</b>       | 1    |              |       |              |       |              |      |
|                | Жами |              |       |              |       |              |      |
| <b>Ҳаммаси</b> |      | 162.2        | 100,0 | 1610         | 100,0 | 1781         | 100  |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009 йилда Хосилдор Голиб фермер хўжалигида сотилган пахтанинг 58.9 фоизи ёки 1050 центнери юқори 1-навларга тегишлидир. Бундан ташқари, 731 ц ёки 41% пахта 2-навга топширилган.

2009-2011 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини отряд усулида, камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2011 йилда 85% пахта 1-навга топширилган. 1-навдаги пахта



учун олинган ҳақ жами 1036563,2 минг сўм миқдорида бўлган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида Анд-37 пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта етиштиришни 25-30% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва ҳаражатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан буғдой дони етиштириш учун илмий асосланган агротехника чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган. Унга кўра ўз муддатларида тупроқни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш зарур бўлади. Бундан ташқари иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, амортизация фондига тўловлар ҳам мавжуд. Буларнинг барча маълум даражадаги ҳаражатларни талаб қилади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий-техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида

бугдой ишлаб чиқариш харажатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

**Андижон туманидаги Хосилдор Голиб фермер хўжалигида бугдй ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.(8-жадвал).**

| №  | Кўрсаткичлар                                    | Ўлчов<br>бирлиги | 2009 й. | 2010 й. | 2011й  | 2011 йилда<br>2009 йилга<br>нисбатан<br>% |
|----|-------------------------------------------------|------------------|---------|---------|--------|-------------------------------------------|
| 1  | Екин майдони                                    | га               | 26.8    | 32.8    | 40.2   | 150                                       |
| 2  | Хосилдорлик                                     | ц\га             | 69      | 62      | 69.5   | 101                                       |
| 3  | Ялпи ҳосил                                      | Ц                | 1851    | 2034    | 2792   | 151                                       |
| 4  | Ишлаб чиқариш<br>харажатлари<br>Шундан: иш ҳақи | м.с              | 48885   | 53697.6 | 87110  | 178                                       |
|    |                                                 | м.с              | 10365   | 15109   | 24458  | 235                                       |
| 5  | Ҳодимлар сони                                   | Нафар            | 12      | 9       | 9      | 75                                        |
| 6  | Ялпи маҳсулот                                   | м.с              | 61305   | 77902.2 | 118660 | 193.5                                     |
| 7  | Фойда                                           | м.с              | 12420   | 24204.6 | 31550  | 254                                       |
| 8  | Фермер даромади                                 | м.с              | 22785   | 39313.6 | 56008  | 245                                       |
| 9  | 1 центнер<br>бугдойни<br>Таннархи               | Сўм              | 18240   | 26400   | 31200  | 171                                       |
| 10 | 1 центнер<br>бугдойни сотиш<br>баҳоси           | сўм              | 33120   | 38300   | 42500  | 128                                       |

|    |                    |     |        |        |        |     |
|----|--------------------|-----|--------|--------|--------|-----|
| 11 | 1 гектар ҳисобига: |     |        |        |        |     |
|    | а) ялпи маҳсулоти  | м.с | 2287.5 | 2375.0 | 2951.7 | 129 |
|    | б) фермер даромади | м.с | 850.1  | 1198.6 | 1393   | 163 |
| 12 | 1 ҳодим ҳисобига:  |     |        |        |        |     |
|    | а) ялпи маҳсулот   | м.с | 5108.8 | 8655.8 | 13184  | 258 |
|    | б) иш ҳақи         | м.с | 863.8  | 1678   | 2718   | 314 |
| 13 | Рентабеллик        | %   | 25.4   | 45.0   | 36.0   | 141 |

8-жадвалда Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2009-2011 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. экин майдони таҳлил даврида 50.0% ошган.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2009 йилдаги 48885 минг сўмдан 2011 йилда 87110 минг сўмга етган ёки 178фоизга ортган. экин майдонининг кескин ортганлиги ҳамда ҳозирги мураккаб ўтиш шароитида буғдой етиштириш учун талаб қилинадиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиб бориши объектив жараён бўлганлиги учун ишлаб чиқариш ҳаражатлари ортиб бормокда. Ушбу ҳолат албатта биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигига ҳам тааллуқлидир.

Ривожланишга ҳаракат қилаётган Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатларидан устун даражада ўстиришга эришилган. Буғдой ялпи маҳсулоти ҳажми 2009 йилдаги 61305 минг сўмдан 2011 йилда 118660минг сўмга етган ёки 1.9 мартага ортган. Бунинг асосий омиллари сифатида ер майдонининг ошиши, 1 ц буғдойнинг сотиш баҳоси 33120сўмдан 42500 сўмгача ортишини кўрсатиш мумкин. Ғаллачилик тармоғидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқариш ҳаражатларини айириб ташлаш натижасида фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобланади.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида фойда 12420 минг сўмдан 31550 минг сўмгача ёки 2,54 мартага ортган. Асл моҳиятини олиб қаралганда фермер хўжалиги аъзолари асосан ўз оила аъзолари ва қариндошлари бўлганлиги учун ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги иш ҳақи фермер хўжалигининг ўзида қолади, деб айтиш мумкин.

9-жадвал

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида бўғдой  
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

| № | Харажатлар тури                                   | 2009 й      |      | 2010 й      |      | 2011 й      |      |
|---|---------------------------------------------------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|
|   |                                                   | минг<br>сўм | %    | минг<br>сўм | %    | минг<br>сўм | %    |
| 1 | Моддий харажатлар                                 | 4285,0      | 60,8 | 4725,8      | 57,8 | 9855,6      | 61,6 |
|   | а) уруглик                                        | 641,6       | 9,1  | 711,7       | 8,7  | 1631,1      | 10,2 |
|   | б) угитлар                                        | 1311,4      | 18,6 | 1480,7      | 18,1 | 2830,4      | 17,7 |
|   | в) Ё.М.М                                          | 930,7       | 13,2 | 1063,5      | 13   | 2254,7      | 14,1 |
|   | г) иш ва хизматлар                                | 1205,7      | 17,1 | 1055,3      | 12,9 | 2206,8      | 13,8 |
|   | д) бошка моддий харажатлар                        | 232,7       | 3,3  | 417,2       | 5,1  | 927,5       | 5,8  |
| 2 | Меҳнат ҳақи харажатлари                           | 10365       | 22,9 | 1987,9      | 24,3 | 3709,9      | 23,2 |
| 3 | Ижтимоий ажратмалар                               | 403,7       | 5,7  | 477,1       | 5,8  | 890,4       | 5,6  |
| 4 | Асосий воситалар ва но-моддий активларни эскириши | 317,3       | 4,5  | 392,7       | 4,8  | 687,6       | 4,3  |
| 5 | Бошка харажатлар                                  | 430,1       | 6,1  | 597,2       | 7,3  | 847,5       | 5,3  |
|   | жами                                              | 7050,7      | 100  | 8180,7      | 100  | 15991,0     | 100  |

Меҳнат ҳақи харажатлари ҳам жами ишлаб чиқариш харажатларининг 22.9-23 фоизи атрофида сақланиб турибди. Хўжаликдаги ишчиларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаш, албатта меҳат натижаларидан манфаатдорликни оширади. Шу сабабли хўжаликда таҳлил даврида жами 1614,6 мингсўм ва 3709,9 минг сўм иш ҳақиға ажратилган.

Хосилдор Ғолиб хўжалигида иш ҳақи фондидан ижтимоий ажратмалар ўтказиб борилган. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида аввалги иш ҳақи фондидан 30% ўрниға 2009 йилдан бошлаб 24% ажратилган бўлиб, 403,7 минг сўмдан 890,4 минг сўмгача ошган.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари бўйича 2009 йилға нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорирок даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган. Жами ишлаб чиқариш харажатларини етиштирилган ялпи ҳосил миқдорига бўлиш натижасида бир центнер буғдой ҳосилининг таннарни келиб чиқади. Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида бир центнер буғдой таннарни кўрсаткичи 2009йилда 13474,5 сўм ва 2011йилда 15048,1 сўм миқдорига тўғри келади.

Мазкур ҳолат Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида барча ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилон сарфланганлигини ва шунинг натижасида ижобий 36% лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

## **5.Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш омиллари**

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган барча талабларини қондиришда жонли ва буюмлашган меҳнатнинг аҳамияти улкан. Чунки у қийматни яратади, қолаверса, инсоннинг онгли—мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. У билан меҳнат предметлари ҳамда воситалари уйғунлашган ҳолда иш жараёни амалга оширилади. Бу жараённинг маҳсули қиймат ҳисобланади. Демак, талабни қондира олиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотларни етиштириш, хизматларни бажариш инсоннинг жонли фаолияти (меҳнати) билан меҳнат предметлари ва воситаларининг мақсадга мувофиқ боғланишига боғлиқ. Лекин инсон ва унинг онгли фаолияти бўлмаса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди, иш ёки хизмат бажарилмайди. Шундай экан, фақат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратади, ишларни, хизматларни бажаради.

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда қатнашиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотларни талабни қондирадиган миқдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга ҳаракат қилади. Шундай экан, улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланишга эришиш лозим. Бунинг учун меҳнат ресурсларидан фойдаланилаётганлик даражасини аниқлаш керак. Уни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- Мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти. Уни аниқлаш учун ишлаб чиқариш жараёнида ҳақиқатда қатнашган меҳнат ресурслари миқдорини (киши) хўжаликда шартнома (буйруқ) бўйича мавжуд бўлган меҳнат ресурслари миқдorigа тақсимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$MK = \frac{\sum IM_p}{\sum MM_p}.$$

Бунда:  $M_k$  – меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти;

$\sum IM_p$  – ҳақиқатда ишлаган жами меҳнат ресурслари, киши;

$\sum MM_p$  – мавжуд бўлган жами меҳнат ресурслари, киши.

Бу кўрсаткичнинг даражаси бирга яқин бўлгани яхши. Шунда у мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш юқори бўлганлигидан далолат беради.

-Меҳнат ресурсларининг хўжалик фаолиятида қатнашиши (1 ойда, 1 йилда).  
Унинг миқдорини хўжалик фаолиятида жами сарфланган вақтни сарфланган меҳнат ресурсларининг умумий миқдорига тақсимлаш натижасида аниқлаш, бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.:

$$MrX_{kk} = \frac{\sum Mr_{св}}{\sum IM_p}.$$

Бунда:  $MrX_{kk}$  – меҳнат ресурсларининг маълум бир муддатда ўртача ишлаган иш вақти, киши-куни, киши-соати;

$\sum Mr_{св}$  – меҳнат ресурсларининг жами сарфлаган вақти, киши-куни, киши-соат.

Бу кўрсаткичнинг мутлақ (абсолют) миқдори аниқланаётган даврдаги (ойда, йилда) бир кишининг иш вақти фондидан юқори бўлмайди. Меҳнат ресурсларининг ҳар бир гуруҳи учун амалдаги қонунларда йиллик ёки ойлик иш вақти фонди белгиланади. Республикада йиллик иш вақти фонди 276-286 кун миқдорида белгиланган. Бу иқтисодий фаол меҳнат ресурсларининг йиллик иш вақти фонди ҳисобланади. Ўсмирлар учун бу фонд уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилган ҳолда белгиланган. \_

Меҳнатнинг унумдорлиги даражаси. Унинг мутлақ (абсолют) даражасини аниқлаш учун ҳақиқатда сарфланган жами иш вақти миқдорини шу даврда ишлаб чиқилган маҳсулот миқдорига, қийматига ҳамда бажарилган иш ҳажмига тақсимлаш зарур. Бу меҳнатни тежаш иқтисодий қонунининг талаби.

Амалиётда эса у ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг миқдори ёки қийматини унга сарфланган иш вақтига тақсимлаш

натижасида аниқланмоқда. Бундай усулда улар бир-бирларини инкор этмайди, балки тўлдиради. Уларни аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Му \propto \frac{Cв}{Ем} ёки \frac{Ем}{Cв}$$

Бунда: Му–меҳнатнинг унумдорлик даражаси, киши-куни, соати, сўм;

Св–маҳсулот етиштириш, хизмат кўрсатиш учун сарфланган иш вақти, киши-куни, соатда;

Ем–сарфланган вақт ичида етиштирилган маҳсулот, ц, сўм.

Бу кўрсаткич етиштирилаётган бир бирликдаги (цен, тонна, сўм) маҳсулот учун қанча вақт сарфланганлигини ёки сарфланган бир бирликдаги вақт эвазига қанча маҳсулот етиштирилганлигининг, хизматлар бажарилганлигининг даражасини ифодалайди.

Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамикасига кўпгина омиллар таъсир қилади. Омиллар деганда меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабаблар тушунилади. Улардан айримлари меҳнат унумдорлигининг ортишига ёрдам берса, бошқалари унумдорликнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Омилларнинг биринчи гуруҳига меҳнат воситаларининг самарасини ортиши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашлар ижтимоий гуруҳлари шароитининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар киради; иккинчи гуруҳи - табиий шароитларнинг ноқулай таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий шароитдаги салбий элементларнинг таъсир кўрсатиши киради.

Фермер хўжалиги даражасидаги омилларни қараб чиққанда, уларнинг ҳаммасини ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.

Ички омилларга хўжаликнинг қишлоқ хўжалиги техникалари билан қуролланиш даражасини, қўлланилаётган технологиянинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланиши даражаси, татбиқ этилаётган рағбатлантириш тизимларининг таъсирчанлиги, кадрларни



танлаш ва малакасини ошириш каби хўжаликнинг бошлиғига боғлиқ бўлган барча нарсалар киради.

Ташқи омилларга давлат буюртмалари ва бозордаги талаб ҳамда таклифларнинг ўзгариши муносабати билан маҳсулот хиллари ва уларнинг сермехнатлик даражасининг ўзгариши; жамият ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари; меҳнатнинг кооперациялашув даражаси, моддий-техника таъминоти, табиий шарт-шароитлар ва ҳоказолар.

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни 10-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Бунда охириги уч йилда хўжаликдаги мавжуд ишчиларнинг меҳнати туфайли яратилган ялпи маҳсулотни баҳоланади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун пахта ва ғалла ялпи маҳсулотини мавжуд ходимлар сонига бўламиз. Меҳнат унумдорлиги бу ерда қиймат кўрсаткичи сифатида минг сўм ҳисобида ўлчанади.

10- жадвал

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

| № | Кўрсаткичлар          | Ўлчов<br>бирлиги | 2009 й | 2010 й | 2011 й | 2011<br>йилда<br>2009 йилга<br>нисбатан<br>% |
|---|-----------------------|------------------|--------|--------|--------|----------------------------------------------|
| 1 | Ялпи маҳсулот         | м.с              | 123846 | 147565 | 209671 | 169                                          |
| 2 | Ходимлар<br>сони      | Нафар            | 42     | 40     | 45     | 107                                          |
| 3 | Меҳнат<br>унумдорлиги | м.с              | 2047,5 | 2478,1 | 2860,6 | 139,7                                        |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта ва ғалланинг ялпи маҳсулоти миқдори 2009 йилдаги 123846 минг сўмдан 2011 йилда 209671

минг сўмгача ўзгарган ёки 169% га ошган. Хўжаликнинг ер майдони кенгайиши ҳисобига ҳодимлар сони ҳам шу таҳлил даврида 42 тадан 45 тагача етган ёки 107%га ошган. Меҳнат унумдорлиги эса 2009 йилдаги 2047,5 минг сўмдан 2011 йилда 2860,6 минг сўмгача ўзгарган ёки 39,7% га ошган.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини у жойлашган Андижон туманидаги жами 165 та фермер хўжаликларининг ўртача кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил қилиш учун 11-жадвалдан фойдаланамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Андижон туманидаги жами 165 та фермер хўжаликларида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик ўртача кўрсаткичларига нисбатан юқори натижаларга эришилган. Жумладан 1 ц пахтани сотиш баҳоси тумanning ўртача кўрсаткичига нисбатан 5,2% га ортиқ. Бунинг сабаби сифатида эса етиштирилган пахтанинг юқори 1- ва 2-навларганига сотилиши ҳисобланади. Асосий таққослама кўрсаткичлардан бўлган 1 центнер пахтанинг таннарни 1 гектар майдонда Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида 1,3% кўпроқ паст. Таққослаш мумкин бўлган яна бир кўрсаткичи 2011 йилда 1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида 52% га кўпроқ.

Жадвал маълумотларидан яна кўриниб турибдики, Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида рентабеллик даражаси бир оз баландроқ. Иқтисодий самарадорликнинг якуний ва асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси эса Андижон туманида ўртача 14,5% ни ташкил этган 2010 йилда Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида 32,8% ни ташкил этган. Демак Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ҳаражатларига ва мос ҳолда таннархга нисбатан ялпи маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши таъминланган. Шунинг ҳисобига ердан фойдаланишда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик юқори даражада.

Илғор фермер хўжаликлардан бири бўлган бу хўжаликда ҳам пахта етиштиришнинг оптимал рентабеллик даражасига эришиш зарур.

11-жадвал

**Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта етиштириш учун меҳнат унумдорлигини Андижон туманининг 2011 йилдаги ўртача кўрсаткичлари билан таққослама таҳлили**

| №  | Кўрсаткичлар                       | ўлчов<br>бирлиги | Андижон<br>туманидаги<br>жами 165 та<br>фермер<br>хўжаликлари | Хосилдор<br>Ғолиб<br>фермер<br>хўжалиги<br>2011й. | Туманга<br>нисбатан<br>% |
|----|------------------------------------|------------------|---------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------------|
| 1  | Екин майдони                       | Га               | 5804                                                          | 56.5                                              | X                        |
| 2  | Хосилдорлик                        | ц/га             | 31.5                                                          | 32.0                                              | 101.5                    |
| 3  | Ялпи хосил                         | Ц                | 182990                                                        | 1781                                              | 0,97                     |
| 4  | Ишлаб чиқариш<br>харажатлари       | м.с              | 11243000                                                      | 28504.9                                           | X                        |
|    | Шундан иш хаки                     | м.с              | 4394000                                                       | 9441.6                                            | X                        |
| 5  | Ходимлар сони                      | нафар            | -                                                             | 36                                                | X                        |
| 6  | 1ц пахтани<br>таннархи             | Сўм              | 61440                                                         | 45260                                             | 736.7                    |
| 7  | 1ц пахтани сотиш<br>баҳоси         | Сўм              | 44,128                                                        | 55390                                             | 125.5                    |
| 8  | Ялпи маҳсулот                      | м.с              | 12284000                                                      | 36108.7                                           | X                        |
| 9  | Фойда                              | м.с              | 1041000                                                       | 6603.8                                            | X                        |
| 10 | Фермер даромади                    | м.с              | 5435000                                                       | 16045.4                                           | X                        |
| 11 | 1 га хисобига: а)<br>ялпи маҳсулот | м.с              | 2116.4                                                        | 1711.3                                            | 80.8                     |
|    | б)фермер даромади                  | м.с              | 324.4                                                         | 760.5                                             | 234.4                    |

|    |                                   |     |     |      |     |
|----|-----------------------------------|-----|-----|------|-----|
| 12 | 1 ходим хисобига<br>ялпи маҳсулот | м.с |     |      |     |
| 13 | Рентабеллик                       | %   | 9.3 | 22.4 | 241 |


Фермер хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ошириш омилларини ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра, унга гуруҳга бўлиш мумкин: моддий-техника, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий асоси фан, техника ва технологияни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Шунинг учун ҳам моддий-техника омиллари гуруҳини, одатда, етакчи ва қолган барча омилларни белгиловчи гуруҳ деб қаралади.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий-техника омилларига фан-техника тараққиётини узлуксиз ривожлантириш асосида меҳнатнинг техника ва энергия билан таъминланишини ошириш киради. Қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш учун чопиқ ва транспорт тракторлари, уларнинг култиватор, плуг, чизел, ўғит солгич ва ариқ қазигич каби агрегатларининг, суғориш учун сув насослари ва лоток-ариқларнинг ҳамда буғдой ўриш учун комбайннинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида ҳозиргача чопиқ трактори ва култиватор агрегати, прицеп мавжуд. Моддий-техника таъминотини яхшилаш учун юқоридаги агрегатлар ва комбайнни лизинг асосида олишга эришиш керак. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш; бутунлай янги технологияларнинг яратилиши (улар ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишни таъминлайди ва жонли меҳнат сарфини кескин қисқартиради); ишлаб чиқаришга материал сарфланишининг пасайиши ва моддий ресурсларнинг тежалиши ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий-техника омилларига киради. Моддий - техника омиллари таъсири натижасида меҳнат унумдорлиги ортади ва маҳсулотнинг сермеҳнатлик даражаси пасаяди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир ташкилий омилларига фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан,

хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан

3-чизма. Фермер хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари



фойдаланиш учун кейинчалик кооперациялашуви; моддий-техника, энергия таъминоти, таъмирлаш хизмати кўрсатиш ва ҳоказолар катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари бизнес-режаларни такомиллаштириш; ишлаб чиқаришни ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлашни ташкил этиш; янги технологияларни ўз вақтида жорий қилиш; машиналар, механизмларни жорий ва капитал таъмирлашни таъмин этиш, шунингдек, фермер хўжалигида моддий-техника таъминотини тўғри ташкил этиш.

Барча ташкилий омиллар бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг ягона тизимини ҳосил қилади. Улардан тўлиқ фойдаланмаслик, турли ташкилий камчиликларнинг мавжуд бўлиши асосан иш вақтидан фойдаланишда ўз таъсирини кўрсатади.

Ташкилий омиллар тизимида Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида кадрлар таркибининг яхшиланиши - бошқарув ходимлари сонининг нисбий қисқариши ва ходимлари умумий сонидан ишчилар салмоғининг ортиши муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бевосита фермер хўжалиги бошлиғининг ўзи ҳам пахта етиштириш агротехник тадбирларини бажаришда қатнашиши

керак. Ходимлари умумий сониди ишчилар салмоғи қанчалик юқори бўлса, битта ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг меҳнат фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи - муайян натижани қўлга киритишга бўлган қизиқишдир. У ўз навбатида ишлаб чиқариш иштирокчилари бўлган инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш қатнашчилари муайян меҳнат фаолияти натижасини қўлга киритишга интилиши билан бир қаторда етарли даражадаги меҳнат қобилиятига, ишбилармонлик ва шижоаткорлик каби зарур шахсий сифатларга эга бўлишлари, шунингдек, тадбиркор бўлишлари лозим.

Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик;
- ходимларнинг малака даражаси, уларнинг касбий тайёргарлиги сифати
- меҳнатга муносабат ва меҳнат интизоми даражаси;
- меҳнат жамоалари ўз-ўзини бошқаришининг ривожланиши.

Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири тупроқ унумдорлигини оширишдир. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ечишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Агарда бу муҳим тадбир фермер хўжаликларига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати етмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссадорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз

ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг моддий техника таъминотини яхшилаш, махсус маълумотли ҳодимларнинг салмоғини ошириш, ердан самарали фойдаланиш, минерал ўғитлардан илмий асосланган тартибда фойдаланиш каби бир қатор имкониятларни ишга солиш зарур.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реал аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Андижон туманидаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир ташкилий омилларига фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фермер хўжалигида ердан фойдаланишда ишлаб чиқариш ҳаражатлари асосан меъёр даражасида сарфланган бўлиб, унинг таркиби ва салмоғини ўзгартириш илмий асосланган агротехниканинг бузилишига ва ҳосилдорлик ҳамда ялпи ҳосил кўрсаткичларининг ёмонлашиб, пасайишига олиб келади. Бундан келиб чиқадики, меҳнат унумдорлигини ошириш учун ички имкониятларни ишга солиш талаб этилади.

Аввало хўжалик жойлашган ҳудуддаги тупроқ бонитет балига мос ҳолдаги пахта ва буғдой ҳосилдорлиги даражасига эришиш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги механизациялашган ишлар учун сарфланаётган харажатларни қисқартириш учун лизинг асосида ҳайдов трактори қўшимча агрегатларни олиш керак.

Хўжалик ходимларининг манфаатдорлигини ошириш натижасида ҳам кўпроқ эътибор сабабли ялпи ҳосил ва ўз навбатида ялпи маҳсулот миқдори анча ортади. Бунинг учун олинган буғдой ҳосилидан иш ҳақи сифатида янада кўпроқ миқдорда тарқатилиши керак. Меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир ташкилий омилларига фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фермер хўжалиги истиқболда ривожланишни мақсад қилган ҳолда, унинг ер майдонларини кенгайтириб, камида 100 гектарга етказиш зарур.

Пахта ва буғдой етиштиришнинг агротехник талабларига амал қилган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти объектив қонуният асосида ўсиб борадиган ишлаб чиқариш харажатларини сарфлашни тақозо этади. Шундай экан, ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулот миқдорини харажатлардан юқорироқ даражада ўсиб боришига эришиш фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириб боришнинг асосий омилидир.

Маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини юксалтириш учун ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун меҳнатни оқилона ташкил этиш, ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш ва ташиш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак.



Пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида хўжаликларда фаолият кўрсатаётган барча аъзоларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини бозор талаблари асосида тубдан ўзгартириш лозим. Яъни, улар маҳсулот етиштириш, йиғиштириб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни вақтида, оқилона амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Юқорида таъкидланган барча тадбирлар вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида пахта ва ғалла маҳсулотлари миқдори кўпайиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалиши таъминланади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга амал қилишдир. Ушбу тавсияларга риоя қилинганда ердан фойдаланиш самарадорлиги 20-22 фоизгача ортиши мумкин. Бундан ташқари хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, хўжалик экин майдонларига солиш керак.

Ҳосилнинг турли касаллик ва зараркунандалар томонидан nobud бўлишига йўл қўймаслик зарур. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматида унумли фойдаланиш зарур.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир ташкилий омилларига фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 30-35% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган меҳнат унумдорлигини ошириш дастури тузиш тавсия этилади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув Малакавий ишени тайёрлашда Андижон туманида фаолият кўрсатаётган Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилана фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий маълумотлари билан танишилиб уларни таҳлил қилиш билан бир каторда ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликлари фаолиятидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужатлар талабларини бажарилиши нуқтаи назардан фермер хўжалиги раҳбар ва мутахассисларини алоҳида фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда истиқболда Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш имконини яратади.

Меҳнат ресурслари - бу ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилардир.

Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан оқилана фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳодимлар сони ва улар орасидаги махсус маълумотлилар салмоғи, Ҳодимларнинг асосий ва айланма фондлар билан қуролланганлиги, 1 ҳодим ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот, 1 бирлик меҳнат ҳаражатлари эвазига яратилган ялпи маҳсулот кабилар ҳисобланади. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир.

Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер Хосилдор Ғолиб фермер хўжалиги асосан пахта ва дон етиштиришга

ихтисослашганлиги туфайли маҳаллий аҳолини бу турдаги экинлардан юқори ҳосил олиш бўйича кўникмалари етарли.

- фермер хўжалиги пахтачилигида пахтачиликни модернизация қилиш ва янги, самарали техникаларни, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларида давлат буюртмаларини ўрнатилиши ва фермер хўжаликлари томонидан давлат буюртмаларини бажариш учун қилинган ҳаракатлар оқибатида ерни унумдорлигини оширишда асосий омиллардан ҳисобланган алмашлаб экиш масалаларига эътибор сусайганлигини ҳисобга олиб фермер хўжалиги ҳудудида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш асосида пахтачилик самарадорлигини ошириш;

- Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни янада ошириш мақсадида энг аввалло етиштирилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва етиштирилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. амалга ошириш учун қушилган муносиб ҳисса бўлади деб ҳисоблаймиз.

Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш ҳаражатлари эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Андижон туманидаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир ташкилий омилларига фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контракция шартномаларини

тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва буларнинг натижасида 22,5% лик рентабелликка эришаётганлиги ижобий натижаларни таъминламоқда.

Жумладан, Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида пахта етиштиришда 2009-2011 йилларда иқтисодий самарадорлик бир оз яхшиланган. Рентабеллик ошишининг омили – бу ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 9,3% дан 22,5%гача ортган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2011 йилда 36% га етган. Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришда барча ишлаб чиқариш ҳаражатларини режалаштирилган ҳолда сарфланган. Аммо рентабеллик кўрсаткичи такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун етарли бўлмай, уни 50-55%ли даражага кўтариш керак.

Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги бўйича олий ёки ўрта-махсус маълумотли мутахассислар салмоғини оширишга ҳаракат қилиш керак. Хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим.

Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масаларни ҳал этиш уларнинг моддий манфаатдорлик сабабли ерга ўзгача меҳр билан ишлов беришга, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишга олиб келади.

Хўжалик бошлиғи фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларидан хабардор бўлган ҳолда ҳаражатларни оқилона тақсимлаш керак.

Ҳаражатлар таркибида ўз техникалари билан бажариладиган механизациялашган ишлар салмоғини ошириш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Хосилдор Голиб фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 20-25% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш дастури тузиш тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2004 йил 24 декабр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва

уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
15. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузаси. 19.01.2012й.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2013
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва

мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).

- 19.И.А.Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
- 20.И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
- 21.И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
- 22.И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.
- 23.И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
- 24.И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
- 25.И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил
- 26.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» Халқ сўзи 14.02.2009 йил.
- 27.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.



- 28.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.
- 29.О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005
- 30.О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.
- 31.Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.
- 32.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (дарслик). Тошкент, 2004.
- 33.Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. -Т.: ТДИУ, 2002. - 230 б.
- 34.Абдурахмонов Қ.Х., Муртазаев Б.Ч. Меҳнат бозори. (Ўқув қўлланма.) - Тошкент, ТДИУ. 1999. - 100 б.
- 35.Абдурахмонов Қ.Х., ва бошқалар Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 2001 й.
- 36.Г.Давлатова. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. - Фарғона, 2006
- 37.Р.Исмамов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. –Наманган, 2005
- 38.Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социо-логияси. Самарқанд, 2002.
- 39.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
- 40.Н.Ўронов. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил.
- 41.Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
- 42.Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Меҳнат» 1998 йил.
- 43.О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
- 44.Ў.П.Умрзақов ва б. Фермерхўжалиги иқтисодиёти. – Т.:”Иқтисод-молия”

2007.

45. Ў.П. Умрзақов ва б. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий ва менежмент (дарслик). – Т.: 2009.

46. А. Абдуллаев ва б. Бизнес режа. – Т.: «Молия» 2002.

47. Б. Салимов ва б. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004

48. Додобоев Ю.Т. ва б. Фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: 2005 (Қувасой).

49. Р. Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004

50. Б. Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.

51. Андижон туманидаги Хосилдор Ғолиб фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллардаги бизнес-режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

51. Интернет сайтлари

[www.msu.ru](http://www.msu.ru)

[www.rcunet.ru](http://www.rcunet.ru)

[www.uce.uz](http://www.uce.uz)

[www.osu.edu](http://www.osu.edu)

[www.timasad.ru](http://www.timasad.ru).